Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси



Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 9 (7. 951) ◆ 1992 йил 15 январь, чоршанба ◆ Нархи 35 тийин

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси

АХБОРОТ

14 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг парламенти ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев олиб борди.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг раиси Ҳ. М. Усмонова жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Қисқа муҳокамадан сўнг қонун қабул қилинди.

Олий Кенгаш қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раиси Э. Х. Халиловнинг маърузаси юзасидан республикадан ташқарига товар-моддий бойликларни ташиб кетиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитетининг раиси Ф. Н. Нажмитдинов корхоналар махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосидагина шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган фаолият турлари тўғрисида ахборот берди.

Депутатлар мазкур масала жиддий ишлаб чиқилганидан сўнг, шу масала хусусида қарор қабул қилдилар.

Ташқи алоқалар комитети раиси П. Ҳабибуллаев ва миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият комитети раиси П. Қ. Қодиров хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўллари ҳақида парламент аъзоларига ахборот беришди.

Республика Президенти И. А. Каримов ўз нутқида хорижда яшаётган ватандошлар билан ҳар томонлама мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Мазкур масала юзасидан ҳам қарор қабул қилинди.

Олий Кенгаш Туркия Республикаси билан алоқалар ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича депутатлар гуруҳини тузди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини хорижий мамлакатлар тан олиши, улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик муассасалари ҳамда ваколатхоналарида ишлаш учун номзодларга доир тавсияларни тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни мукаммал ўрганиш мақсадида махсус парламент комиссияси ҳам тузилди.

Кечки мажлисда депутатлар республиканинг 1992 йил бюджетини шакллантириш асосий жиҳатларини ҳамда «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, чет эл фуқароларидан ҳамда фуқаролиги бўлмаган кишилардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги» Республика Қонунларига ўзгартишлар киритиш масаласини кўриб чиқишга киришдилар. Молия вазири Э. Ж. Боқибоев маъруза қилди, иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув комитетининг раиси Э. Н. Хўжаев қўшимча маъруза қилди.

Муҳокамадан сўнг Олий Кенгаш қарор ва тегишли қонунларни қабул қилди.

Давлат нарх комитетининг раиси Қ. А. Аҳмедов республикада эркин нарх-навога ўтиш тадбирлари тўғрисида депутатларга ахборот берди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов мазкур масала юзасидан депутатлар ҳузурида нутқ сўзлади.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Х. Халилов Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларини чақириб олиш тартиби ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди.

Қонун қабул қилинди.

Парламент С. Мирсафоевни Республика прокурорининг ўринбосари этиб тасдиқлади, олий суд ва баъзи вилоят судлари таркибига ўзгаришлар киритди.

Бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси ўз ишини тугатди.

УМИДБАХШ СИНОВ

Тошкент трактор заводида янги агрегатлар яратиш борасида самарали изланишлар олиб борилмоқда. Корхона конструкторлари ҳам қатор янгиликларга қўл уриб, уларни кўнгилдагидек бажаришга муваффақ бўлдилар.

Тиркагичли грейдер конструкцияси устида олиб борилган жиддий иш айниқса қувончли якунланди. «ГП-1» маркали бу машина Ўзбекистон Республика Автомобиль йўллари вазирлиги буюртмаси асосида юзага келди.

Мазкур агрегатнинг тажриба нусхаси дастлабки синовдан муваффақиятли ўтди. Грейдерни қўплаб ишлаб чиқариш юзасидан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Санъат ОЛИМОВА.

ЎҚУВ МАСКАНИ

Шаҳримиздаги 159-трест асосан ўқув масканлари, боғча ва даволаш муассасалари қуриш учун ихтисослашган.

Трестга қарашли бўлган барча қурилиш бошқармалари ҳозирги тақчил даврда ҳам жадал иш олиб боришмоқда. Улар орасида 8-, 10- ва 22-қурилиш бошқармаларининг иши айниқса яхши бўлаётир.

8-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари айни вақтда Сергели — 7 даҳасидан ўрин олаётган мактабни қуришмоқда. Иш юритувчи Т. Нажимов ва бўлинма бошлиғи А. Худойбергановлар бунёдкорларни иш билан таъминлаш борасида қулай имкониятлардан фойдаланишмоқда.

Гулзода МАМБЕТОВА.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ Кеча Тошкентда Ўзбекистон геология хизматининг 65 йиллиги тантанали нишонланди.

⊙ Утган йили табиий офатдан зарар кўрган Жигаристонтоннинг янги мавзесидаги 50 та уйда электр чироқлари ёна бошлади. Утган йил май ойидан буён бу ерда кўплаб уй-жойлар қурилди, йўллар асфальтланди, электр токи келтирилди. Ҳозир мактаб, савдо, умумий овқатланиш корхоналари, бошқа маданий-маиший иншоотлар қурилиши давом эттириляпти.

⊙ Тошкент шарқшунослик олийгоҳининг 18 нафар талабаси бир неча йил давомида Мадина дорилфунунида шуғулланадиган бўлдилар. Бу бўлажак тилшунослар, тарихчилар, иқтисодчилар Саудия Арабистонига жўнаб кетдилар.

ҲАМДЎСТЛИКДА

⊙ Собиқ СССРнинг собиқ Президенти Михаил Горбачев кеча янги вазифада биринчи иш кунини бошлади. У ўз номи билан «Горбачев фонди» деб номланган жамоатчилик ташкилотига раҳбарлик қилади. Кеча собиқ Президент таниқли сиёсатшунос, АҚШнинг собиқ Давлат котиби Генри Киссинжер билан учрашди.

⊙ Кеча 1991 йил август ойида давлат тўнтаришига уриниш қилишда айбланаётганлар жиноий иши юзасидан тергов тугалланганлиги расман эълон қилинди. Тергов тўрт ярим ой давом этди. Бу жиноий иш жами 125 жилдни ташкил этди. Ушбу иш юзасидан 2 мингга яқин киши сўроқ қилинди. Эндиликда барча айбланувчилар адвокатлари иштирокида айбномалар билан танишадилар.

⊙ Грузия Республикасининг Бош прокурори Вахтанг Размадзе ҳокимиятдан четлаштирилган Грузия Президенти Звиад Гамсахурдиага нисбатан жиноий иш қўзғатилганлигини маълум қилди. Унга миллатлараро можарони авж олдириш, алоҳида катта миқдорда давлат маблағларини ўзлаштириш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ва меъморий-тарихий ёдгорликларни вайрон қилиш айблари қўйилмоқда.

⊙ Россия Президенти Борис Ельцин кеча Брянскда бўлган пайтида Россия Олий Кенгашининг Раиси Руслан Хасбулатовнинг ўтган кунги баёнотига жавобан Россия ҳукумати ўзгартирилмаслигини айтди. Россия ҳукуматининг раҳбарларидан бири Егор Гайдар ҳам ҳукумат истеъфога чиқиш ниятида эмаслигини маълум қилди.

⊙ Келгуси мавсумдан бошлаб Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳам хориж мамлакатларидаги каби профессионал хоккей лигаси ташкил этилади. Унда энг яхши 20 жамоа куч-синашиши мўлжалланяпти.

ХОРИЖДА

⊙ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг БМТ аъзолигига қабул этиш тўғрисидаги аризаларини норасмий кўриб чиқишга киришди. Бу масала БМТ Бош ассамблеяси сессиясининг кун тартибига киритилиши мўлжалланяпти.

⊙ АҚШ Президенти Жорж Буш маъмурияти Покистон ҳукуматини ядро қуролини тайёрлаш учун унда мавжуд бўлган моддаларни йўқотишга даъват этди. АҚШ маъмурияти вакилларининг фикрича, Покистон ҳозир камида иккита атом бомбаси тайёрлаш учун зарур моддаларга эга.

⊙ Литва ҳукумати республика фуқароларига ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун ов милтиқлари, газ пистолетлари ва баллонлари харид қилишга рухсат берди. Бу мудофаа воситаларини ҳозир бозорда харид қилса ҳам бўлади.

⊙ АҚШда ядро ёнилғисидан фойдаланиладиган биринчи ракета двигателини яратишга киришилди. Бундай двигателнинг яратилиши Америка мутахассисларининг фикрича, 2019 йилда инсоннинг Марсга томон парвоз қилишини амалга ошириш имконини беради.

⊙ Жаҳон ва Европа футбол ассоциациялари (ФИФА ва УЕФА) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги футбол федерациясини тан олди. Ҳамдўстлик жамоаси СССР терма командаси вориси сифатида Европа биринчилиги финал босқичи қатнашчилари учун 17 январда ўтказиладиган қуръа ташлашга таклиф этилди.

ТУРКИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 14 январь куни турли фирмаларга бошчилик қилувчи турк ишбилармонлари гуруҳини қабул қилди. Улар Ўзбекистонга амалий ташриф буюрганлар.

Республика раҳбари яқинда қилинган ташриф вақтида Ўзбекистон делегацияси Туркия диёрида сидқидилдан самимий кутиб олинганини таъкидлади. Туркия Президенти Турғут Ўзол ва Бош вазир Сулаймон Демерэл билан бўлган учрашув ва суҳбатлар натижасида имзоланган ҳужжатлар иккала давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни жиддий ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантириш имкониятини беради. Ўзбекистон билан Туркия ўртасида элчихоналар очилиши, тайёралар қатнови йўлга қўйилиши ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ва мувофиқлаштириш йўлидаги аниқ қадамлар бўлади. Олий Кенгашнинг сессиясида Туркия республикаси билан алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлайдиган депутатлар гуруҳини тузиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги диққатга сазовордир. Туркиянинг иқтисодий ривожланиш модули Ўзбекистонга жуда мос келиши туфайли парламент шу тўхтамга келди.

Дўст мамлакат савдо-саноат кишиларининг бу келиши — иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган ҳақиқий қадамдир, деб таъкидлади И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг бой табиий, хом ашё ресурслари ва Туркиянинг замонавий технологиялари, иқтисодий имкониятлари шу алоқалар пухталигининг кафолатидир. Қўшма корхоналарнинг барпо этилиши, иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа турлари иккала мамлакатга фойда келтиради.

Турк ишбилармонлари гуруҳининг раҳбари Эрул Ярар иззат-икром учун самимий миннатдорчилик изҳор этди. Мамлакатимнинг савдо-саноат кишилари икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшадилар, қадимий Ўзбекистон диёри уларга руҳан яқиндир. Бу учрашув — муносабатларни мустаҳкамлаш гаровидир.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, республика Давлат ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар комитетининг раиси У. Т. Султонов, Денов районидаги С. Раҳимов номли колхоз раиси, республика халқ депутати И. Файзуллаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ХДП: бошланғич ташкилотларда

ИШ УСЛУБИ ШАКЛЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтганига салкам 2,5 ой бўлди. Шу давр мобайнида бирлашмамизда Ўзбекистон ХДПси аъзолари сафи 152 нафарга етди. Уларнинг 145 нафари қайта рўйхатдан ўтган коммунистлардир. 7 нафари эса аризаларига биноан илк бор илғор фикрли кишилар партияси тақдири билан ўз тақдирларини боғладилар.

Ташкилотимиз Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Низоми асосида иш юритмоқда. Биз, аввало Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сафларини мустаҳкамлаш учун халқ анъаналарига, умуминсоний қадриятларга, ахлоқ ва инсонпарварлик қоидаларига, ватанимиз ҳамда жаҳон тафаккурининг ютуқларига асосланиб, меҳнат аҳлининг насл-насаби, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдамиз. Шу туфайли 41 миллат фарзандлари меҳнат қилаётган бирлашмамиз ишчи-хизматчиларидан биргина декабрь ойида 48 киши Ўзбекистон ХДПсига аъзо бўлиш учун ёзма равишда мурожаат этди.

Шуниси характерлики, биз ҳар кимни ҳам сафимиз ўссин дея янги партияга қабул қилавермаяпмиз. Партия ташкилотимизда 14 кишидан иборат ташаббускор гуруҳ ишлаяпти. Улар жамоага танилган, ҳалол меҳнати билан обрў орттирган, илғор фикрли кишиларнинг аризаларини инобатга олиб, партия ташкилоти йиғилиши ҳукмига ҳавола этмоқда. Яқинда ўтказилган йиғилишимизда 12-цехнинг чилангари Бийсенбай Маткаримов, 5-цехнинг ишчиси Евдокия Григорьевна Леонтева, 2-цех касаба уюшмаси комитетининг раиси Нина Афанасьевна Крупина, бирлашманинг катта устаси Галина Васильевна Охотниковаларнинг аризаларини кўриб чиқдик ва уларни кўпчилик овоз билан Ўзбекистон ХДПси сафига қабул қилдик.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомида таъкидланганидек, аъзоларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти, Тошкент шаҳар ҳокими сайлови ва Республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумда фаол қатнашдилар. Округ сайлов комиссиялари ишига яқиндан ёрдамлашдилар. Бошланғич партия ташкилотимиз ва унга уюшган кишилар сиёсий синовдан ақлидроки, дунёқараши теранлиги билан аъло даражада ўтдилар, десам муболаға бўлмайди.

Ҳозирги кунда партия ташкилотимиз партия ички ташкилий масалалари билан шуғулланмоқда. Партиянинг янги билети учун аъзоларимизни суратга тушираяпмиз. Аъзолик бадаллари йиғишни йўлга қўйиб олганмиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ленин район ташкилоти кенгашига биз билан 115 жойдаги бошланғич партия ташкилоти уюшган. Ўтган сешанба куни бўлган бошланғич партия ташкилоти котибларининг кенгашида ҳудудий партия ташкилотлари тузиш ва бошланғич партия ташкилотларини ана шу ҳудудий ташкилотларга бирлаштириш масаласи муҳокама этилди. Демак, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомини бажариш сари яна бир қадам қўйилди.

Эндиликда райондаги мавжуд бошланғич партия ташкилотлари бир неча ҳудудий партия ташкилотларига бирлашадилар. Ҳудудий партия ташкилотларининг эса 7—11 кишидан иборат ижроия бюро аъзолари бўлади. Улар бевосита ХДП аъзолари билан мулоқот ва амалий иш олиб борадилар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ХДПсининг биз каби қуйи ташкилотларида иш услуби аста-секин йўлга қўйилмоқда ва шакланмоқда.

Уринбой ХУДОЙБЕРГАНОВ,

Ўзбекистон ХДПси «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич ташкилотининг котиби.

Тошкент – Бостон

«БИЗ СИЗЛАРГА БОЗОРНИ ЎРГАТАМИЗ»

«Интурист» маданий-ахборот марказида Америка Қўшма Штатларининг Бостон шаҳри ҳокими вакиллари билан биргаликда «Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий ҳокимият» деган мавзуда халқаро машғулот ўз ишини бошлади.

Америка делегациясининг бошлиғи, Бостон Кенгаши раисининг ўринбосари жаноб Томас О; Мейли ўз сўзида машғулот ўтказишдан асосий мақсад бозор иқтисодиёти шароитида ҳукумат режалаштириш механизмининг тажрибаси билан ўртоқлашиш эканлигини таъкидлаб ўтди. Бу бизнинг шаҳар ҳокимияти учун жуда муҳим тажрибадир. Машғулотнинг биринчи кунида қатнашчиларга меҳмонлар хусусий мулк ва шахсий ҳуқуқнинг устивор даражадаги афзалликлари, шунингдек чекланган даражадаги давлат аралашуви ва бошқарувининг зарурлиги хусусида муфассал тушунтиришлар бердилар.

Машғулот давомида қатнашчилар шаҳар ҳокимиятининг сиёсий ва маъмурий ҳокимиятчиликдан иборат таркибий тузилишидан воқиф бўладилар. Мулкчиликнинг ривожланишини бошқариш ва тартибга солиб туриш учун қўлланиладиган амалий усул ва воситалар билан танишадилар. Шунингдек, ўша мамлакат ҳокимияти таркиби ва унинг штатлар ҳамда маҳаллий ҳокимиятлари билан ўзаро алоқалари ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Америка делегацияси составида жаноб Томас О; — Мейлидан ташқари, марказий иқтисодий тадқиқот кенгаши директори ўринбосари жаноб Жон Эволт, хусусий корпорация раҳбари жаноб Даниэль Сатинский, Бостон университетининг профессори Филис Боумен ҳоним ва «Спектрум» корпорациясининг маркетинг бўйича шарҳловчиси жаноб Хезе Пинчинлар бор. Улар халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича энг йирик мутахассислар ҳисобланишади. Улар бизда бозор иқтисодиётининг йўлга қўйилишида ўзларининг тажрибаларини ўртоқлашгани бу ерга келишган.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй-жой қурилиши ва тижорат ишларини тартибга солиш, рағбатлантириш ва кўмаклашиш мақсадларида шаҳар ҳокимияти амалга ошириши лозим бўладиган юмушлар ҳам машғулотлар дастурига киритилган. Шунингдек, савол-жавоблар, давра суҳбатлари, баҳс ва мунозаралар уюштириш ҳам назарда тутилади.

Мақсуд ОРИПОВ.

СУРАТЛАРДА: машғулот пайти ва жаноб Томас О; Мейли.

Рустам Шарипов суратлари.

Меҳнат жамоаларида

ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг механика цехида кўплаб қўли гул усталар меҳнат қилишади. Машина ва механизмлар билан ишлайдиган ҳар қандай ишлаб чиқариш бўлинмаси бу цехга мурожаат қилмай иложи йўқ. Машина қурилмалари ҳам доимий ишлаб турганда кейин гоҳ бирор қисми синади, гоҳ едирилади. Ҳаракатдаги механизмларнинг аксарият қисми чет элларда тайёрланган. Уларнинг эҳтиёт қисмларини топиш эса мушкул. Шунинг учун ҳам имконият даражасида бу қисмларни шу ернинг ўзида ясашга тўғри келади. Улар хорижникидан қолишмайди. Механика бўлимида бу ишнинг уддасидан чиқа оладиган усталар анчагина. Бўлим бошлиғи Маҳмуд Набиховдан бу ҳақда сўраганимизда у киши механика бўлимида бундай қўли гул усталар кўпчиликни ташкил қилиши, кексалар билан бир қаторда ёш усталар ҳам ҳунар сирларини пухта эгалладиганликлари ҳақида гапирди.

Шундай ёш усталардан бири Қудратилла Толиповдир. У ишга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Энг қийин қисмларни тайёрлаш ҳам қўлидан келишини ҳисоблаб, ҳунармандлик даражаси ошиб бормоқда. Унинг ихлос билан ишлаши, ўта аниқлик талаб этиладиган ишларда ҳам ўз маҳоратини намойиш эта олиши устози Вадим Давидович Уманскийга ҳам жуда ёқди.

Самолётсозлик билим юртида таҳсил кўриб, чилангарлик касбини ўрганган Қудратилла 7—8 йил мобайнида устозидан кўп нарсани ўрганди. Даражаси учинчи эди, бешинчига кўтарилди.

— Касбингиздан мамнунмисиз? — деб сўрайман Қудратилладан.

— Ҳа, албатта. — Қатъий жавоб беради ёш уста.

— Негадир кейинги пайтларда ёшлар ўртасида ҳунарга қизиқиш кўпроқ моддий манфаатдорликка бориб тақаляпти. Сиз шу касбга ўз ихтиёрингиз билан кириб келганмисиз?

— Бундай ўйлаб қарасангиз, менинг касбга кириб келганимга бор-йўғи ўн йилча бўлди. Мен ўз ихтиёрим билан шу касбни танладим. Тенгдошларим ҳам касбга муҳаббат билан кириб келишганди. Ҳозир касб танлаётган ёшларга эътибор берсангиз, негадир, касб ўрганишдаги муаммолардан бурунроқ ёшларни ундан келадиган даромад, маош қизиқтиради. Тўғри, маош ҳамманиям қизиқтиради, аммо, ўз касбингдан завқлана олиш, ўз ҳунаринг билан кимгадир ёрдам бериш, ишламай турган бирор дастгоҳни йўлга қўйиш кишига қанчалик завқ-шавқ беради.

— Самолётсозлик билим юртида таҳсил кўрган бўлсангиз, трикотажчилик соҳаси дастгоҳларида ишлаш қийин кечмаганми?

— Шунинг учун ҳам учинчи даража билан шогирд бўлиб ишга келганман.

— Ўз шогирдларингиз ҳам борми?

— Ёнма-ён ишлаётган шогирдларим йўқ. Аммо яқинда Қўқон ва Жиззахдан ёшлар келиб, касб ўрганиб кетишди.

— Ҳозирги кунда иқтисодий танглик юзага келди. Маошингиз онла тебратиш учун етарли, деб ўйлайсизми?

— Ҳар ҳолда ойлигимиз ёмон эмас.

— Сўраганимнинг бонси, сизни кўли гул, иқтидорли уста дейишади. Одатда, кўпчилик қўлидан иш келадиган ҳунармандлар ширкатларга ўтиб кетишяпти. Сиз бу ҳақда ўйлаб кўрмаганмисиз?

— Ортиқча пул топиш ниятида ширкатларга ўтганлар ўтиб кетишяпти. Лекин, уларнинг бир меъёрда ишлаши, доимо катта ишлик билан таъминланишига ишонч йўқ. Қолаверса, қадрдон корхонам, ака-укадек бўлиб қолган ҳамкасбларим ичидан кетгим йўқ. Шунинг учун ҳам ширкатчилар таклифига рози бўлмадим.

— Янги йилдаги режаларингиз қандай?

— Менимча ҳамма ҳам янги йилни яхши орзу-умидлар билан бошлайди. Шулар қаторида мен ҳам ҳозирча қилаётган ишимни янада мукаммал ўрганиш ва бошқа ёшларга ўргата бориш менинг юксак орзуим ва бурчим деб биламан.

Дарвоқе, ҳозирги пайтда бу гаплар бироз эриш туюлиши ҳам ҳеч гап эмас. Аммо кейинги вақтда ишбилармонлар деган сўзлардан кўпчилик мамнун бўлмоқда. Қудратилла ҳам ўз ишига содиқ бўлган келажак тадбиркори десам янглишмайман.

Дилором СУЛТОНОВА.

Меҳнат жамоаларида

ИШЧИГА ҲАМ НАФИ ТЕГСИН

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-бичув-тикув цехида асосан турли моделлардаги спорт костюмлари тикилади. Маҳсулотларнинг ранг-баранглиги, уларнинг сифатининг аъло даражада эканлигини кўриб киши қувонади. Биз смена бошлиғи Ҳалима Ғофурова билан суҳбатлашамиз.

— Ҳалима опа, бу ерда 21 йилдан бери ишлар экансиз. Албатта тажрибага бой етук устоз эканлигингизга шубҳа йўқ. Лекин хизмат барибир хизматда, қийинчиликлари ҳам бор. Сизга оғирлик қилмаяптими?

— Биласизми, аввало енгил ишнинг ўзи йўқ. Қийинчилик, қамчилик ҳамма ерда бор. Қолаверса, аёлларимиз уйрўзғор юмушларидан сиғилиб чиқиб ишга қатнайдилар. Буларнинг ҳар томонлама ҳолидан хабар олиш бизнинг зиммамизга юкланган. Ҳозирги давр қийинчилиги, нарх-навонинг осмон баробарлиги ҳаммага маълум. Ишчиларимиз эса ишлаган меҳнатларига ҳақ оладилар. Бунинг учун уларни ўз вақтида иш билан таъминлаш зарур ва шартдир.

— Ишчиларингиз ҳақида нималар дея оласиз? Уларнинг ишларидан қониқасизми?

— Менинг қўл остимда бешта бригада бор. Булардан ҳар доим миннатдорман. Бригада бошлиқлари Азиза Марасулова, Ҳалима Ашурова, Фазилат Фозилова, Дилбар Исмоилова ва Зуҳра Ҳошимовалар жуда фидойилар. Агар биз бригадаларни вақтида иш билан таъминласак, улар ўзларнинг ойлик режаларини ҳам муддатидан олдин ва ошириб бажарадилар. Тайёр маҳсулотлар сифатидан ҳеч ким шикоят қилаётгани йўқ.

— Биласизми, Ҳалима опа иш давомида ҳар хил вазият юз беради. Ана шундай вақтда фаол ишчиларнинг ўрни бўлакча бўлади, тўғрими?

— Ҳа, албатта, фаол ишчиларимни санаб берсам ёзиб улгурмайсиз. Мана, масалан, Холида Каримова ёки Заҳро Юсуповани олинг. Булар 7 йилдан бери ишлашади. Қайси иш тўғри келса шуни бажараверадилар. Келинг яхшиси бригада бошлиқларидан эшитиб кўринг. Қаршингиздаги бригада «Юқори сифатли маҳсулотлар тикадиган оқим» деб юритилади. Бу бригаданинг бошлиғи Азиза Марасуловадир. Булар асосан катталар учун «Адидас» спорт костюмларини тикадилар.

— Азиза опа, сиз ва бригадангиз ҳақида смена бошлиғингиз жуда мамнун бўлиб гапирдилар...

Бешта бригадамиз ҳақида ҳар қанча гапирилса оз. Биз бир-биримиздан орқада қолмасликка ҳаракат қиламиз. Энди ишчиларимизга келсак уларга вақтида иш етказиб берилса бас, қолганини ўзларига қўйиб бераверинг. Мен сизга энг ёш ишчиларимни мисол қилиб кўрсата қолай. Булар Малика Жўрабоева, Наргиза Мирзаева ва Муборак Хошимовалар бўлиб, эндигина 5 йиллик иш стажига эга бўлишларига қарамай, берган ишингизни кўнгилдагидек тикиб берадилар. Малакали тикувчиларимиз ҳақида ўзингиз хулоса чиқаришингиз мумкин.

— Сизларда ҳам етишмовчиликлар борми?

— Ҳамма ерда бўлган камчиликлардан биз ҳоли эмасмиз, албатта. Масалан тикувчи учун энг зарур бўлган нина масаласи ёмон аҳволда. Тикадиган ипларимизнинг сифати қониқтирмайди. Олаётган ишларимизнинг ҳам комплектлашмаган ҳоллари кўп учрайди. Булар тўлиқ бўлса, ишчининг қўлини боғламас эди. Шуларни эътиборга олишларини биз ишчилар номидан талаб қиламиз. Яна бир қанча муаммоларимиз борки, улар ҳам ишимизга ўз таъсирини ўтказмай иложи йўқ. Аёл кишининг самарали меҳнат қилиши учун аввало унинг хотиржамлигини сақлаш зарур. Ҳозир ҳеч бир инсон йўқ-ки, рўзғоридан тинч бўлсин. Талон системаси мажбурий чора бўлсада кўпгина мушкулликлар келтириб чиқармоқда. Тикувчиларимиз ишини тамомлаб боргунча соат тўрт ярим, баъзан беш бўлиб қолади. Озиқ-овқат дўконларидаги кети кўринмайдиган навбатлардан тинкаси қуриган аёлнинг уйдаги фарзандлари билан бироз шуғулланиш у ёқда турсин, кечки овқатни тайёрлашга ҳам ҳоли келмайди. Қолган икир-чикир ишларни қўяверинг. Аввалари шу маҳсулотларни ишхонадан олардик. Бунда ишчиларимиз ўзларининг қимматли вақтларини йўқотмас эдилар.

Бундан ташқари, биз — ишчиларга бериладиган камёб моллар жуда оз миқдорда ажратилади. Магазинлардан ҳеч нарса ололмаганимизга яраша, шу тарқатиладиганлари бироз кўпайтирилса, айни муддао бўларди.

Дарвоқе, корхонада бартер усулини қўллаб, анча-мунча ишлар амалга оширилмоқда. Шояд, бундан кейин янада самаралироқ усулларни жорий этиб, ишчи-хизматчиларнинг таъминоти яхшиланса. Шунда корхонага ҳам, ишчига ҳам нафи тегиши табиий. Зеро, бозор иқтисодиёти талаби ҳам шунга олиб келмоқда.

Мунаввар БОСИТХОНОВА,
жамоатчи мухбир.

Қишлоқ хўжалик академияси: илк қадамлар

ТАДБИРКОРЛИК ИЛМГА ТАЯНСИН

МАЪЛУМКИ, ўтган йилнинг муҳим воқеаларидан бири Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлар академиясининг ташкил этилиши бўлди. Жамоатчи мухбиримиз ушбу илмий марказнинг фаолияти, олдида турган режалар хусусида сўзлаб бериш учун академия президенти, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиги Абдували Имомалиевга мурожаат қилди.

— Абдували Имомалиевич, суҳбатимизни сиз раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги академиясини ташкил этишдан мақсади ва унинг олдида турган вазифалари ҳақидаги сўзлар билан бошласак.

— Барчага аёнки, ҳозирги куннинг ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларидан бири аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. Чунки аҳоли сони кундан кунга ўсиб бормоқда, олинаётган маҳсулот эса етарли даражада эмас. Маълумки, республикамиз қишлоқ хўжалиги асосан пахта етиштириш билан шуғулланади. Биз ҳозирга қадар ана шу хом ашёни четга чиқариш ҳисобига яшаб келар эдик. Пахтанинг эвазига эса Қозоғистон, Россия, Украина каби республикалардан ғалла, чорва маҳсулотлари олардик. Кейинги йилларда ана шу маҳсулотларни қардошларимиз бермай қўйди. Натижада озиқ-овқат танқислиги вужудга келди. Шу сабабдан ҳозирда республикамизда истеъмол қилинадиган чорва маҳсулоти аввалгига нисбатан икки маротаба кам (собиқ СССР бўйича гўшт истеъмол қилиш киши бошига йилига 60—67 килограмм, бизда 30 килограммдан ошмайди). Мева ва дон маҳсулотлари етарли эмас. Албатта бундай шароитда аҳоли соғлиғига зарар етиши табиий ҳол. Ана шу муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ягона илмий марказ тузиш фикри кўпчилик томонидан маъқулланди ва тузилди. Ҳозир академиямиз таркибида президент, 3 та вице-президент, бош котиб, 20 та академик, 7 та мухбир аъзолари, 5 та бўлим раҳбарлари ва бошқалар бор. Олимларимиз ҳозирги кунда махсус концепция устида иш олиб бормоқдалар. Жумладан, қанча миқдорда, қайси озиқ-овқат маҳсулотини етказиш масаласи режалаштириляпти. Бу борада фикрлар қарама-қаршилиги ҳам йўқ эмас. Баъзи мутахассислар пахта майдонларини қисқартиришни таклиф этсалар, баъзилари эса, аксинча, қисқартирмасликни, аммо асосий эътиборни тупроқ унумдорлигини оширишга қаратиш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Бизнинг вазифаларимиздан бири чет мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришдир. Бунинг учун биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан унумли фойдаланиш каби ишларни амалга оширишимиз ва шу билан бирга пахта ҳамда бошқа ўсимлик маҳсулотларининг касалликларга чидамли янги навларини яратишимиз лозим. Бу борада ҳозир Шредер номли боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бир қанча хайрли ишлар қилинмоқда. Ушбу тадбирларнинг илмий ҳамда амалий томонлари кўп.

— Ана шу режаларни амалга ошириш учун ишни нимадан бошламоқ даркор?

— Бу режаларни амалга оширишнинг аввал-охири меҳнатдир. Ҳозирда ақл ўргатувчилар кўпайиб кетди, ишлайдиганлар эса кўзга кўринмаётир. Агар бир мавсумда ҳосил яхши бўлмаса яхши нав йўқ, деб селекционерларни айблашади. Энди фараз қилингки, уч кишига бир хил уруғдан бериб шу ер, шу сув ва шу шароитда ҳосил олишни буюрдингиз. Бирови 50 центнер ҳосил олса, иккинчиси 30 центнер олади, учинчиси эса яна ҳам камроқ. Демак ҳосилни ҳосил қиладиган — бу меҳнатдир. Меҳнат қилганда ҳам нафақат жисмоний, балки ақлий меҳнат қилиш лозим.

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича қандай ишлар қилиняпти?

— Озиқ овқат масаласини ҳал этишда президентимиз Ислом Каримов томонидан деҳқонларга ер берилгани муҳим амалий тадбир бўлди. Энди деҳқон ихлос билан ишлайди. Чунки ер уники, қанча кўп ҳосил олса шунча яхши. Давлат ҳам бундан бойийди. Аммо ҳозирги кунда фанга таяниб иш олиб бораётган жамоа хўжаликлари яхши натижаларга эришмоқда. Бундан ташқари республикамиз ҳозирги шароитда озиқ-овқат билан ўз-ўзини таъминлай олмайди. Биз пахтани дунё бозорига олиб чиқиб, олинган валюта ҳисобидаги фойдага иложи борича арзон нархда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишимиз даркор. Аммо нима бўлганда ҳам маҳсулотнинг асосий қисми ўзимиздан чиқишига эришишимиз лозим.

— Муаммолар хусусида икки оғиз...

—Ҳозирги энг катта муаммомиз кадрлар таъминотидир. Ёш мутахассисларимиз кам. Улар орасида академиянинг мухбир аъзолари бўлишини истардим. Чунки асосий ишни ёшлар қилади. Бундан ташқари олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот илмгоҳларимиз замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланмаган. Бундай шароитда биз илғор мамлакатлар қаторига чиқолмаймиз. Тарғибот ишлари бўйича ҳам ривожланган мамлакатлардан ортда қолганмиз. Масалан, Америка Қўшма Штатларида бирор янги ўсимлик нави пайдо бўлса ёки янги қишлоқ хўжалиги техникаси ихтиро қилинса дарҳол ўша янгиликнинг технологияси ёзилади, китобча шаклида чоп этилади ва ўша техника сонини кўпайтиришга киришилади. Ана шу барча ишлар учун ҳар йили 2 миллиард доллар сарфланар экан. Бизда эса ташвиқот-тарғибот ишлари қониқарли олиб борилмайди, китоб чиқариш муаммосини айтмасам ҳам бўлади. Қоғоз етишмайди, босмахонамиз йўқ. Вақтли матбуотда чиққан мақолаларни раҳбарларимиз ўқишмайди. Қолоқлигимизнинг яна бир сабаби шундан. Қайси ўсимликни қай пайтда экиш, қачон суғориш, қанча ўғит солиш, чорва моллари учун мақбул шароит яратиш лозимлигини барча мутахассислар ҳам билаверишмайди.

— Абдували Имомалиевич, мана, олдинда 1992 йилнинг серташвиш, аммо фараҳли кунлари турибди. Ўйлаймизки, янги ташкил этилган илмий марказнинг келажакдаги режалари кўпчиликни қизиқтиради.

— Олдимизда турган вазифалар улкан. Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун шароит етарли бўлса-да ундан оқилона фойдаланилмаяпти. Сабаби деҳқонларимиз илм-фаннинг кўмагига муҳтож. Ҳар қандай тадбиркорлик эса илмга таянади. Масалан, ҳар йили Шредер номли боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида 40 миллион дона мева кўчати экилади. Аммо парвариш қилишга яхши эътибор берилмагани сабаб уларнинг 50—60 фоизигина ҳосил беради холос. Қолгани қуриб қолади. Республикамиз аҳолиси учун йилига 6 ярим миллион тонна ғалла керак. Аммо унинг 1 миллион 600 минг тоннаси ўзимизда етиштирилади. Қолганини эса четдан олишга мажбурмиз. Шуларни ҳисобга олган ҳолда биринчи вазифамиз экин майдонларининг энг мақбул миқдорини, яъни қанча гектар ерда пахта, қанчасида ғалла, мевали дарахт ва бошқаларни етиштиришни аниқлашдан иборат. Ҳозир қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 4,3 миллион гектар ер мавжуд. Янги ерларни ўзлаштириш имкониятимиз ҳам бор. Аммо сув таъминоти масаласи муаммолигича қолмоқда. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот илмгоҳи олиб борган изланиш ва тажрибалар шуни кўрсатдики, сувни уч марта тежаган ҳолда ҳосилдорликни 1,5 баробар ошириш мумкин экан. Шундай бўлса ҳам ютуқларга нисбатан муаммоларимиз кўп. Фақат илмга таянган ҳолдагина тўсиқларни бартараф этиш мумкин.

Ҳамид СУЛАЙМОНОВ
суҳбатлашди.

Ёшлар янгиланиш сари

ҲАР ТОМОНЛАМА РАҒБАТ

⊙ Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи Ҳамза район комитети томонидан ёшлар жамғармаси ташкил этилди. Шу ҳақда гапириб беришни ёшлар комитетининг биринчи котиби Баҳодир Садриддиновдан илтимос қилдик.

— Ҳаммамизга маълумки, кейинги йилларда ёшлар ҳаётига эътиборни ошириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолаяпти. Шу сабабли етакчилардан ўта тадбиркорлик ва ишга амалий ёндошиш талаб этилмоқда. Ҳозирги пайтда ўзингизга маълумки қоғоздаги қарорлар ёки қуруқ гап билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган комитетимиз райондаги ёшлар манфаатини кўзлаган ҳолда анчагина хайрли ишларни амалга ошириб қўйди. Шулардан энг диққатга сазовори, район кенгашининг сессияларидан бирида депутатлар ёшлар сиёсатини рўёбга чиқариш тадбирлари ҳақидаги дастурни тасдиқлашди. Шундан сўнг район бюджетининг маълум бир қисмини ёшлар жамғармасига ажратишга қарор қилинди.

— Демак ёшлар энди моддий томондан таъминланиб борилар экан-да.

— Албатта. Бу жамғарманинг ташкил этилиши ёшларимизга катта қулайликлар яратди. Масалан жамғарма ҳисобидан район мактабларидаги аълочи ўқувчилар учун 2 тадан стипендия ажратилди. Шунингдек, келгуси ўқув йилидан мавжуд 6 та ҳунар-техника билим юртининг ҳар бирига 4 тадан 30 сўмлик стипендия бериладиган бўлди.

Айни пайтда жамғарма қошида ишбилармон ёшлар курси очилиб, фаолият кўрсатаяпти. Тингловчилар танлов асосида қабул қилинмоқда. Кўпгина ёшлар иқтисод, чет тили, руҳшунослик ва бошқа фанлар бўйича чуқур билимга эга бўлишди.

Булардан ташқари районда 17 та турли хил тўгараклар ишлаб турибди. Шуниси диққатга сазоворки, улардан бири район ҳудудида жойлашган болалар ахлоқ тузатиш колониясида очилган. Жамғарма қошида ҳуқуқшунос маслаҳати ташкил этилганини ҳам айтиб ўтишимиз зарур.

— Жамғарма ҳисобидан меҳнат биржаси ҳам ташкил этилаётган экан...

— Бизда икки ярим минг атрофида ишсиз ёшлар бор. Шу рақамнинг ўзи биржа тузишни тақозо этди. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларни иш билан таъминлашдир. Яна бир нарса. Маҳаллаларда ўзбек маданияти клублари очияпмиз.

— Бу қизиқ-ку. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

—Клубларга ёшлар жалб этилиб, уларга кичик корхона ташкил этиш ҳуқуқи берилди. Масалан, 67-мактабда ўқувчилар қўлқоп, столстулларга ёпгичлар тайёрлашаяпти. Районда шунингдек «Устоз» муаллимлар бирлашмаси, ўқувчиларнинг «Саодат» корхонаси ва махсус оператив отрядлар ўз фаолиятини бошлади. Яқин келажакда «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесида «Умид» бирлашмасини ташкил қилмоқчимиз. У уйларда фарзандларига қараётган оналарни иш билан таъминлайди.

Кўриб турибсизки, ёшлар комитети талайгина хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Суҳбатдош
Муҳиддин БОЗОРОВ.

Нигора Аҳмедова билан Наталья Демидова 3-Тошкент ун ишлаб чиқариш корхонасининг лабораториясида кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келишмоқда. Нигора катта лаборант. У ишга ўта синчковлик билан қарайди. Шунинг учун ҳам жамоа орасида уни ва шогирдларини чексиз ҳурмат қилишади.

СУРАТДА: катта лаборант Нигора Аҳмедова ва Наталья Демидова келтирилган буғдой сифатини назоратдан ўтказишмоқда.

Рустам Шарипов сурати.

Келажагимиз—мактабда

ЎЗГАРИШЛАР ШАБАДАЛАРИ

ҲОЗИРГИ қайта қуриш шароитида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шу жумладан таълим-тарбия соҳасида ҳам туб ўзгаришлар қилинмоқда. Мактаблар билан олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқалар кенгаймоқда, баъзи маърифат ўчоқларида болалар олдин синовдан ўтказилган ҳолда қобилиятига қараб ўқишга қабул қилинмоқда. Шунингдек юқори синф ўқувчилари билим сарчашмасидан баҳраманд бўлиш билан бирга турли касб эгалари, жумладан, ошпаз, тиббиёт ҳамшираси, қўлёзмаларни оққа кўчирувчи, тикувчи ва бошқа кўплаб соҳа мутахассислигини эгаллаган ҳолда қўлларига етуклик аттестати олмоқдалар. Барча миллий мактабларда янги ўқув йилидан эътиборан таълим-тарбияга миллий анъаналаримизга хос шарқона услубда ёндошиш мақсадида «Одобнома» фани ўтилмоқда. Хуллас, мактабларда ўқувчиларни ўқитиш услубини янгилаш ва уларнинг билим савиясини ошириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, боғчаларда кичкинтойларни мактабга тайёрлаш, уларни она диёрга садоқат ва меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашга доир бирмунча хайрли ишлар қилинди ва қилинмоқда. Хўш, бу борада Чилонзор район халқ таълими томонидан қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Аввало шуни айтишим керакки, халқ таълими бўлимининг иш кўлами жуда кенг, — дейди биз билан суҳбатда район халқ таълими бўлимининг мудири Ўткир Очилович Файзиев. — Масалан, боғчаларга путёвкалар ажратиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, мактаблар ва боғчаларни таъмирлашга маблағ ажратиш, улар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш, мактабларга бориб ўқувчиларнинг билим савиясини текшириш ва ҳар йили ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш шулар жумласидандир. Райондаги барча ўзбек мактабларини миллийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Аммо ўтмишда бўлганидек йигитларни алоҳида, қизларни алоҳида ўқитиш шарт эмас, деб ўйлайман. Менимча, бу билан урф-одатларимизга путур етказилмайди. Бу борада 138-мактаб барчага намуна бўлмоқда. Ушбу мактаб маъмурияти, ўқитувчилар ва ўқувчилар яқин атрофдаги маҳалла комитетлари ва уларда истиқомат қилаётган аҳоли билан алоқаларни яхши йўлга қўйган. Улар «Наврўз» байрами, турли кечалар ва янгича расм-русмларга бағишланган тантаналарни биргаликда нишонлаб, маҳалла фаоллари билан учрашувлар ўтказиб турадилар. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг хулқига, одобига ва фанларни ўзлаштиришига катта таъсир кўрсатмоқда. 131, 162 ва 173-мактаблар мазкур мактаб изидан боришга ҳаракат қилмоқда. 1991 йилдан бошлаб ҳамма мактабларда болаларнинг қобилиятига қараб танлов асосида ўқишга қабул қилиш усули қўлланилмоқда. Бундан ташқари, мактаблар муайян бир фанга ихтисослаштирилмоқда. Масалан, 80-мактаб асосан иқтисод дорилфунунига, 162-мактаб эса техника ва муаллимлар тайёрлаш олийгоҳларига кадрлар тайёрламоқда. 103, 173, 168, 179, 114-мактабларда математика, 195 ва 179-мактабларда физика, 163-мактабда француз тили, 179 ва 201-мактабларда ўзбек тили, 169-мактабда адабиёт фанлари чуқур ўргатилмоқда. 193-мактабда компьютерларда, 173 ва 217-мактабларда эса электрон-ҳисоблаш машиналарида ишлашга ўргатилмоқда. Бундан ташқари, мактаблар ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши учун кичик корхоналар очишни мўлжаллаяпмиз. Бугунги кунда райондаги ягона 37-кечки мактабда таълим бериш билан бирга ошпазлар, ҳамширалар, боғча тарбиячилари ва лаборантлар тайёрланмоқда. Менимча, бошланғич ҳарбий таълимнинг кераги йўқ деб ўйлайман. Унинг ўрнига мактабларда миллий спорт турларини ривожлантириш лозим. Олдимизда турган муаммоларимиздан яна бири шундаки, рус мактабларида ўзбек тили ўқитувчилари етишмайди. Ўқув ва кўргазмали қуроллар ҳам етарли даражада эмас. Лицей ва гимназиялар сонини ҳам кўпайтириш керак. Ҳолбуки районимизда битта 103-мактабгина гимназияга айлантирилган. Бундан ташқари, ҳозирда қарилик гаштини сураётган собиқ ўқитувчиларни оталиққа олиш, пулли таълимни давом эттириш масаласини кўриб чиқиш лозим. Мактаблар етишмаслиги сабабли аксарият мактабларда ўқувчилар икки сменада ўқишмоқда. Синфларда ўқитилаётган ўқувчилар сонини камайтириш, чиройли ёзувни, яъни каллиграфияни йўлга қўйиш зарур. Энди боғчаларда кичкинтойларни эстетик руҳда тарбиялаш, уларни мактабга тайёрлаш ва меҳнатга кўникма ҳосил қилиш масаласига келсак, бу борада муайян ишлар амалга оширилса-да, улар етарли даражада самара бермаяпти. 6 ёшли болаларни 1-синф дастури бўйича ўқитиб ҳам кўрдик. Лекин бу усул ўзини оқламади. Чунки баъзи фанлар шунчалик мураккаблашиб кетганки, уни 1-синф ўқувчиси тугул юқори синф ўқувчиларининг ҳам ўзлаштириши жуда қийин. Кейин махсус хоналар ва турли кўргазмали қуроллар етишмайди. Ҳозир райондаги мактабгача тарбия муассасаларида икки тилни мукаммал биладиган олий маълумотли ўзбек хотин-қизларини боғча мудирлиги вазифасига тайинлаш масаласини кўриб чиқяпмиз.

Хулоса қилиб айтганда, халқ таълими соҳасида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар, амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар талайгина. Уларни юқори ташкилотлар, педагоглар ва бевосита ота-оналар билан биргаликда ҳал қилиб, туб ўзгаришлар ва янгиланиш сари дадил одимлашимиз даркор.

Исмоил ЗОИРОВ.

ИШЛАР ЮРИШИБ КЕТДИ

Июнь ойида Тошкент политехника олийгоҳи дорилфунун бўлди-ю, унинг таркибидан олийгоҳлар ажралиб чиқди. Уларнинг бири — биз сўз юритаётган меъморчилик ва қурилиш олийгоҳи ёшлар ташкилотисиз қолди. Ташкилотни таъсис этувчи анжуманни чақириш бўйича тузилган ташкилий комитетга Хуршид Асомов ҳам аъзо эди. Кўпчилик унга котибликка ўз номзодини қўйишни таклиф қилишди. Хуршид бунга дастлаб аҳамият бермади, чунки, у аспирантурада ўқир ва комсомол ишидан йироқлашганига бир ярим йилча вақт бўлган эди. Шу сабабли Хуршид анжуман пайтида ўзига ишонч билдирганларга миннатдорчилик изҳор этдию, ўз номзодини қайтариб олмоқчи бўлди. Талабалардан бири туриб, деди:

— Котиб бўлиб сайлансам аспирантура қолиб кетади, деб ўйлаяпсизми? Йўқ, биз бунга йўл қўймаймиз, қўлдан келган ёрдамимизни аямаймиз. Фақат илтимос, номзодингизни қайтариб олманг.

Бошқалар ҳам унга ёрдам беришларини айтишди. Хуллас уни рози қилишди.

— Мақсадим ёшларнинг манфаатини ҳимоя қилишга эришиш, — деганди ўшанда Хуршид.

Ёшлар эса унинг олдига «Агар комсомолдан фарқли ўлароқ бирон-бир ташкилот тузилса, биз унга аъзо бўлардик», — деган таклиф билан келадиган бўлишди. Бундай ташкилот тузилди ҳам.

— Бизнинг гуруҳимизнинг ҳаммаси ҳеч қандай партия ёки уюшмага аъзо бўлмаган эди, — деди суҳбат чоғида муҳандислик куллиёти толиби Дилшод Абдураҳмонов, — энди ҳаммамиз Ёшлар Иттифоқи ташкилотига аъзо бўлишга ариза ёздик. Чунки, у ўз номини оқлаяпти.

Дарҳақиқат, бунга бошқалар ҳам тан олган ҳолда ташаббуслар билан чиқиб, ўз етакчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашмоқда. Масалан, меъморчилик куллиёти, IV босқич талабалари бирорта болалар уйини оталиққа олишга қарор қилишди.

Талабаларнинг яшаш шароити билан танишар экан, Хуршид хунук манзаранинг гувоҳи бўлди. Уларга ётоқхоналар етишмас экан. Шунда янги котибнинг саъйи-ҳаракати билан олийгоҳни оталиққа олган Тошкент шаҳар бош қурилиш бошқармаси билан келишилиб, 600 ўринли ётоқхона ижарага олинди. Яна 1200 ўринли ётоқхона қурилиши назарда тутилмоқда.

Шайдо ХУДОЁРОВА.

Транспорт хизмати муаммолари

«ЮҚУМЛИ ХАСТАЛИК»

Эрталаб соат 8 ларда Талабалар шаҳарчасидан чиққан 4-троллейбус (вагон номери 3192) Беруний шох кўчаси бўйлаб ҳаракатни давом эттирарди. Троллейбус ҳар бекатга яқинлашиши билан қий-чув авжига чиққанди. Бунга сабаб—троллейбуснинг ўрта эшиги очилмаслиги... Йўловчилар бир-бирини туртиб-суртиб, оёқларини босиб-янчиб, ёш болалик аёллар бор аламларини болаларидан олиб, олдинги эшик томон силжишади. Улар эшик олдида кўл чўзиб турган ҳайдовчини «зиёрат» қилиб ўтишлари шарт. Тушаётган пулларга қани энди ҳайдовчи патта йиртиб берса. Кўпчилик ойлик абонементи борлигини айтса ҳайдовчи: «олдинги эшикка ўтасан, вассалом», деб туриб олади.

Шу алфозда троллейбус «Ўрда» бекатига етиб келди. Номаъқулчиликка чидай олмаган бир ўрта ёшли забардаст ўзбек йигити ҳайдовчини «боплади». Натижада бекатда троллейбус бироз туриб ҳам қолди. Шундан кейингина бекатларда ҳайдовчи барча эшикларни очадиган бўлди.

Шу воқеа сабаб, уч кун илгари шу 4-маршрутдаги бўлиб ўтган бир кулгили ҳодиса ёдимга тушди. Бир троллейбус ҳайдовчиси Талабалар шаҳарчасидан чиқиб, «ўрта эшик очилмайди» деб «Ёшлик» кинотеатри бекатигача етиб келди. Йўловчилар камайгач менга тиржайиб: «Амаки одам камайди, энди ўрта эшикни очиб юборсам ҳам бўлаверади-а» деб эшик тепасидаги алла нималарга қўлини теккизган эди, ўрта эшик ҳам «ланг» очиладиган бўлди. Ушанда, мен бу воқеага ўзимча «троллейбус касаллиги» диагнози деган баҳони берган эдим.

Энди билсам янглишмаган эканман. Балки бу касаллик кўпчилик троллейбус ҳайдовчиларига «юқипти», у аста-секин трамвай ҳайдовчиларига ҳам ўта бошлабди...

Шуниси ачинарлики, биронта шаҳарда метрога кириш ҳақи у ерда «қўққайиб турган»ларни қўлига берилмайди. Бизнинг Тошкентда, аниқроғи «Тинчлик» бекатининг «Сартарошхона» томонидан кириш жойида кечқурунлари неча бор «қўл чўзиб» турганларга дуч келдик. Троллейбус, автобус ва метроларда кўрсатилаётган бундай ножўя қилиқлар «Транспортларда юриш ҳақи ўзини оқламаяпти, нархини ошириш зарур» шиори тарафдорларининг «ижоди» эмасмикан? Шаҳар транспорти мутасаддилари бу ярамас «касалликни» тезда даволашлари лозим.

Насрулла АЛИЕВ.

Сиҳат-саломатлик

АЗИЗ оқшомхонлар! Муҳарририятимизга келаётган кўплаб мактубларда билдирилаётган мулоҳаза ва таклифларни инобатга олиб рўзноманинг «Сиҳат-саломатлик» саҳифасидаги бу галги мақолалар туркумини спиртли ичимликларнинг инсон саломатлигига зарари, шунингдек унинг қандай касалликларни келтириб чиқариши мумкинлиги мавзусига бағишладик. Саҳифа Тошкент шаҳар «Саломатлик» маркази томонидан уюштирилди.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ ТАҚДИРИНИ ЎЙЛАНГ

Ичимлик одамларга жуда кўп зарар келтиради. Турмушда ва ишлаб чиқаришда рўй бераётган бахтсиз ҳодисалар спиртли ичимликлар ичиш натижасида содир бўлиши исботланган. Ичкилик оилани бузиб, соғ одамларни касал қилади. Аниқ ҳисоб-китобларга кўра бахтсиз ҳодисаларнинг 50 фоиздан ортиғи, турли жинсий касалликларнинг 70 — 80 фоиздан кўпроғи мастликда юз беради.

Мастлик турли кўнгилсиз воқеаларга олиб келади. Афсуски бирорта ҳам тасодифий учрашув дастурхонга ичкилик қўйдилар. Ичкилик ичиб кайф қилган одамда жинсий майл уйғонади. Ичкиликбозлик таносил касалликларининг тарқалишига сабаб бўлиши мана шундан ҳам кўриниб турибди.

Заҳм касаллиги инсон органларини зарарлаши мумкин бўлган сурункали юқумли касаллик. Бу касалликни кўзга кўринмайдиган ўзига хос рангсиз трипонема ёки спирохеталар қўзғатади. Рангсиз трипонемалар бемордан соғлом одамга кўзга кўринмайдиган ва зарарланмаган шиллиқ қаватлар, арзимас жароҳатлар орқали кириши мумкин. Касаллик юққанидан уч-тўрт ҳафта ва ундан ҳам кўпроқ вақт ўтганидан кейин тангачадек, ундан ҳам кичикроқ ёки каттароқ яра пайдо бўлади. Яра оғримайди, чунки таги қаттиқ бўлади. Яра кўпинча жинсий органлар терисида ёки шиллиқ қаватларида жойлашади. Баъзан лабда, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида, тил учида ҳам учраши мумкин. Яра пайдо бўлгандан сўнг бир неча кун ўтгач ярага яқин бўлган лимфатик безлар шишиб атрофдаги тўқималардан ажралиб туради. Касалликнинг бу белгилари безовта қилмагани сабабли айниқса аёллар ўзлари сезмаган ҳолда атрофдагилар учун жуда хавфли ҳисобланадилар.

Маълум вақт ўтгач яра битиб, аста-секин касалликнинг иккинчи босқичи бошланади. Бунда беморнинг баданида ва шиллиқ пардаларида пушти рангли майда доғлар пайдо бўлади, улар тери сатҳидан кўтарилиб турмайди, қичиймайди ва пўст ташламайди. Томоққа ва товуш бойламларига тошган тошмалар бемор овозига таъсир кўрсатиши натижасида товуш бўғилиб чиқади. Баъзи беморларда доғлар ўрнига майда тугунчалар, йирингли ярачалар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Баъзан беморнинг бошидаги сочлари тўкилади, соч, қош ва киприкларининг сийраклашиб қолгани кузатилади.

Тўлиқ даволанмаган ёки ҳеч даволанмаган беморда 3—5 йил ўтгач хасталикнинг учинчи даври бошланади. Бу даврда беморнинг ички органларида жиддий ўзгаришлар юзага келади, унинг асаблари, орқа ва бош мияси зарарланади. Натижада бемор бир умрга ногирон бўлиб қолиши мумкин. Ўз вақтида даволанса бемор бутунлай соғайиб кетишига имконият яратилади. Тасодифий жинсий алоқалардан бутунлай воз кечиб, спиртли ичимликларга ружу қўймаслик заҳмни олдини олишнинг асосий омилларидан биридир. Тасодифий жинсий алоқадан кейин вақтни бой бермай шифокорга учрашиш лозим. Бемор бўлган уйда унинг идиш-товоғи, кўрпа-тўшаги алоҳида тутилиши даркор. Бемор фойдаланадиган ванна ва бошқа барча буюмлар дезинфекция қилиниши шарт. Ичкиликбозлик одамлар соғлиғига, уларнинг қариндошлари ва яқинларига маънавий, халқ хўжалигига эса катта моддий зарар келтиради.

Хисамутдин АБДУСАМАТОВ,
10-тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокори.

ТАБИАТ камдан-кам ҳоллардагина инсонга бир йўла икки соҳанинг эгаси, яъни ҳам мураббий, ҳам шифокор бўлиш қудратини ато этади. Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳининг ички касалликларни даволаш кафедраси мудири, профессор Роҳила Қорабоева ана шундай инсонлардан.

СУРАТДА: соғлиқни сақлаш аълочиси Роҳила Қорабоева (чапда) 3-курс талабалари билан машғулот ўтказмоқда.

Алла Чаплигина сурати.

КЎЗ — инсон учун атроф-муҳитни идрок этадиган асосий аъзодир. 1-тоифадаги кўз шифокори Елизавета Масленникова ўзининг салкам 40 йиллик меҳнат фаолияти давомида неча юзлаб беморларнинг хасталанган кўзларига зиё бағишлаб келмоқда.

СУРАТДА: 24-шифохона окулисти Елизавета Масленникова беморнинг кўриш майдонини аниқламоқда.

Рустам Шарипов сурати.

ОҚИБАТИ ФОЖИАЛИ

ОДАТДА шифокорлар даволаниш учун касалхонага тушган беморлар билан суҳбат ўтказиб, касалликнинг келиб чиқиши тарихини ўрганадилар ва аниқлайдилар.

Мана шундай суҳбатлардан бирида ёш, навқирон, келишган бир бемор йигит берилаётган саволларга паришонхотирлик билан жавоб қайтарар ва чуқур хўрсиниб: «Доктор, бу касал менга қаердан ёпишди? Менинг авлодимдан бирор кишининг сил билан касалланганлигини эслай олмайман» дерди. Лекин унинг кўриниши ҳорғин, қовоқлари бироз шишган, асаблари таранглашгани билиниб турарди. Бунинг устига димоғидан спиртли ичимлик ҳиди анқиб турарди. Шунда мен беморга қараб: «Менга сил қаердан ёпишди деяпсиз. Ваҳоланки, нафас олишингиздан ичганингиз билиниб турибди. Мана кўрдингизми, ўпкангизда сил касаллигининг келиб чиқишига ўзингиз ёрдам беribсиз» десам, у ҳайрон бўлиб: «Спиртли ичимликка касалимнинг нима даҳли бор» деди. Мен унга инсон агар соғ ва саломат бўлай деса турли зарарли одатлардан, шу жумладан спиртли ичимликлари истеъмол қилишдан ўзини сақлаши кераклиги хусусида батафсил тушунтирдим.

Инсон умрининг узоқ бўлишини таъминлайдиган омиллардан бири организмни ҳимоя этувчи кучларнинг мустаҳкам бўлишидир. Агар шу ҳимоя кучлари ўз вазифаларини яхши ўтаб турсалар, одам сил касалига сира дучор бўлмайди. Лекин турли зарарли одатлар туфайли организм ҳимоя кучларининг заифлашишига кўпинча инсон ўзи сабабчи бўлади.

Алкоголь заҳар эканлигини унутмаслик керак. Инсоннинг бирор ҳужайраси, бирор тўқимаси ёки бирор аъзоси унинг заҳарли таъсиридан четда қолмайди. Бу эса алкоголнинг биринчи навбатда ҳаётнинг асосий бўлмиш оқсилга ҳалокатли таъсири билан боғлиқ.

Спиртли ичимликларнинг организмнинг турли аъзолари ва системаларига кўрсатадиган зарарли таъсирига доир матбуотда кўплаб мақолалар эълон қилинган. Шу боисдан ҳам биз спиртли ичимликларнинг нафас аъзоларига таъсири ҳамда уларнинг сил касаллигининг ривожланишига олиб келиши хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Спиртли ичимлик ичиш билан нафас олиш органларининг ҳолати ўртасида катта боғланиш борлигини асло ёддан чиқармаслик лозим.

Алкоголнинг 5—7 фоизгача бўлган қисми ва унинг парчаланишидан ҳосил бўладиган моддалар — метоболитлар турли-туман ўпка хасталикларининг келиб чиқишини осонлаштиради ва нафас аъзоларида мавжуд бўлган касалликнинг ривожланишига олиб келади. Шунинг учун одамларнинг ичган-ичганлиги асосан нафас билан чиқаётган алкоголга қараб аниқланади. Спиртли ичимлик мунтазам ичилганда ўпка тўқималарининг касаллик туғдирувчи микробларга қаршилик кўрсатиш хусусияти пасаяди.

Жуда кўп олимларнинг ўтказган текширишлари шуни кўрсатадики, алкоголь таъсирида организмнинг иммунитети билан бир қаторда ўпканинг маҳаллий иммунитети ҳам сусаяр экан. Кейинги йилларда зотилжам билан тушган касаллар чуқур текшириб кўрилганда уларнинг 50—70 фоизи спиртли ичимлик истеъмол этганлиги аниқланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, нафас билан чиқаётган спирт ва унинг парчаланишидан ҳосил бўлган альдегидлар аввало қон билан ўпка тўқималарига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Алкоголнинг бу таъсири натижасида ўпка тўқималарида маҳаллий қон айланиш сусаяди. Қон томирларида қоннинг йиғилиб қолиши сабабли қон босими ошади, айримларининг ёрилиши натижасида эса қоннинг ўпка тўқималарига қуйилиши ҳосил бўлади. Бу ўз навбатида ўпка тўқималарида нормал модда ва газ алмашинувининг издан чиқишига олиб келади. Етарли даражада озиқланмаган ўпка тўқималарининг ҳар хил касаллик чақарувчи омилларга қаршилик кўрсата олмаслиги туфайли касаллик келиб чиқади.

Нафас орқали қонга ўтаётган кислород билан бошқа моддалар, шу жумладан турли-туман микроорганизмлар ҳам ўтиб кетмаслиги учун нафас аъзолари шиллиқ пардалари устида ёғ ва оқсил моддалардан ташкил топган махсус парда ҳосил бўлиб, у жуда муҳим вазифани бажаради ва нафас аъзоларини ҳаво билан кирадиган зарарли моддалар ва микроблардан зарарсизлантиради. Лекин спирт ёғда яхши эриганлиги учун қондан нафас аъзоларига ўтиб ташқарига чиқиш олдидан парда таркибини бузиб юборади ва унинг ҳимоя кучини йўққа чиқаради. Шунингдек қондан ўпка тўқималарига ўтиб микроорганизмларга қарши курашувчи оқ қон доначалари — лейкоцитлар фаолиятининг сустлашиб махсус ҳужайраларда ишлаб чиқариладиган микроорганизмлар ва оқсил моддалар билан реакцияга кириб, уларни зарарсизлантирадиган иммуноглобулинлар миқдори озаяди. Шу боисдан ҳам ўпка тўқималарининг маҳаллий иммунитети микробларга етарлича қаршилик кўрсата олмайди. Натижада ўпкада ҳосил бўлган «сил тугунчалари»дан микробактериянинг ташқарига чиқиб хуруж қилиши, ўпкада сил касаллигига хос бўлган ўзгаришлар содир бўлади, яъни организм сил касаллигига чалинади.

Спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилувчиларда силнинг ривожланиши жадаллашиб, ўпкадаги кичик яллиғланиш ярага айланади ва улар ўрнида каваклар ҳосил бўлади. Бу жараён тез орада ўпканинг қолган қисмларига тарқалиб, силнинг тузалиши қийин бўлган шакли юзага келади. Силнинг бундай шакли сурункали давом этиб, охир-оқибатда кишини ҳалокатга олиб келади. Силга дучор бўлган беморлар ҳаётини синчиклаб ўргансангиз аксарияти мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол этганлиги маълум бўлади.

Раҳмат АЪЗАМОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

ОҒУ ОҒУЛИГИЧА ҚОЛАДИ

ТАБОБАТ илмининг султони, аллома Абу Али ибн Сино ўз беморларидан бирига шундай деган экан: «Мен — бир тараф, дард — иккинчи тараф, сен эса ўртамиздасан. Агар мен томонга ўтсанг иккимиз уни енгамиз, агарда дардга ён боссанг икковингизга кучим етмайди». Бу ҳикматнинг нақадар тўғри эканлигига шифокор Раиса Фёдоровна қабулида бўлганимда яна бир бор ишондим.

Хонага икки йигит рухсат сўраб кириб келди. Бири 20 ёшда, 3—4 йилдан бери муттасил ичади, ҳеч қаерда ишламайди. Онаси қарамоғида кун кўради, ичишни ташламоқчи. Иккинчиси 31 ёш (кўринишидан 40—45 ёш дейсиз), яхшигина ҳунари бор. Аммо ичкиликдан қутулолмаяпти. Бундай пайтда шифокорнинг биринчи вазифаси бемор кўнглига йўл топа билиш, ундаги ўзига бўлган ишонч ҳиссини уйғотиш, қисқаси, мижозини ўз томонида туриб дардга қарши курашга чорлашдир. Бемор эса ўзини ижтимоий томондан мустаҳкамлаб олиши, ҳалол меҳнат қилиши, умуман ичмаслиги лозим. Ана шундагина у шифокор томонда туриб дардни енгишга киришган бўлади.

— Биз ҳеч кимни мажбуран даволай олмаймиз, — дейди даволаниш услуби маслаҳатхонасининг мудири Раиса Рожкова. — Бемор шифо топиши учун аввало у буни чин дилдан исташи керак. Акс ҳолда бирор ижобий натижани кутишга ҳожат йўқ. Дардга ҳам бемор, ҳам шифокор тарафдан зарба берилиши лозим.

Тошкент шаҳар наркологик диспансери ҳозирги пайтда Александр Довженко усули (психогипнотерапия) билан ичкилик домига тушганларни нормал ҳаётга қайтаришда фаолият кўрсатаётган ягона тиббий муассасадир. Бу ерда беморлар ўз ҳоҳишига кўра хоҳ ошкора, хоҳ хуфя даволанадилар. Улардан ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди, номлари ҳеч қандай рўйхатга тушмайди, ҳатто касаллик варақаси ҳам очилмайди. Даволаниш учун пул тўлашса бас. Улар диспансердаги мавжуд стационар ёки қатнаб даволанишни танлаш ҳуқуқига эгалар. Ушбу шифохонадаги шароит, даволаш улубиниг натижалари хусусида беморлар фикрини билишга интилдик.

— Ҳаммаси оз-оз ичишдан бошланди. Кейинчалик муттасил ичадиган бўлдим. Соғлиғим ёмонлашаётганини сезиб ичкиликни ташлашга уриндим. Уддасидан чиқолмагач, шифохонага келишга мажбур бўлдим. Ўз хоҳишим билан албатта. Ҳозир ичкиликни кўрсам кўнглим беҳузур бўлади.

А. С. Аёл, ёши 35 да.

— Икки фарзандим бор. Турмуш ташвишларига дош беролмай ича бошладим. Аммо бу йўлнинг охири тубсиз жар эканлигини ўз вақтида англадим. Яқинларинг кўзига қаролмай қолар экансан. Ҳозир соғлиғим бирмунча яхши. Спиртли ичимлиқка эҳтиёж сезмаяпман.

Ҳозир бу ерда 110 бемор даволанмоқда. Ҳаммаси ўз хоҳиши билан келишган. Уларнинг 97 фоизи бутунлай соғайиб кетади. Диспансер бош шифокори Дилрабо Абдалиеванинг айтишича, бу кўрсаткич аввалгидек жуда паст бўлган. Чунки у пайтларда беморлар милиция органлари томонидан мажбуран келтириларди. Бундай «мижоз»лар нафақат шифокорларга, ҳатто ўзларига ҳам ишонишмасди. Ахир етакдаги ит овга ярамайди, деган нақл бор. Ҳозир милициянинг ушбу муассасага ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ. Иш ҳам унумли бормоқда.

Аммо битта ачинарли томони бор. Охирги пайтда спиртли ичимлик истеъмол қилувчилар сони кўпайди. Мутахассислар фикрича, қолаверса статистика маълумотларига кўра, ичкиликка қарши кураш акс таъсир кўрсатди.

Биз юқорида сўз юритган тиббиёт муассасаси ёшлик қилиб ёки иродасизлик туфайли ичкиликка берилиб кетганларнинг ягона нажот масканидир. Фақатгина дарддан халос бўлиш учун шифокорга ихлос қўйиши кифоя. Ахир «ихлос — халос» деб бежиз айтишмайди.

Абдумажид АБДИРАҲИМОВ.

ШАРОБ СОҒЛИҚҚА НИҲОЯ

⊙ ҲАР қанча бақувват гавдани ҳам ичкилик емириб ташлайди.

ПЛУТАРХ.

⊙ Ёш авлоднинг тарбиясини бодага ружу қўйганларга ишониб бўлмайди.

ЦИЦЕРОН.

⊙ Юз қизил бўлсин деб ичишар шароб.
Ундан юз сарғайиб бўлади хароб.

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

⊙ Ичкиликка берилган оналарнинг туққан болалари бу борада ўз оналарига ўхшаш бўлади.

АРАСТУ.

⊙ Май ичиш ман этилган. Уни тарк этиш яхшидир, ичиш соғлиққа ниҳоя. У барча ярамасликлар онасидир. Бир қултум май мастларидан тартибсиз ашула — телба итлар улиганидан нишона.

Алишер НАВОИЙ.

⊙ Жиннилик хилма-хилдир, уруш-жанжал ҳам хилма-хил бўлади, мастлик эса ана шу жинниликнинг бир туридир.

КАЙКОВУС.

⊙ Ичкилик бандаси на ақлий жиҳатдан, на ахлоқий жиҳатдан ҳеч қачон олдинга қараб юролмайди.

Лев ТОЛСТОЙ.

⊙ Мастлигингда қилган гуноҳ ва хатоларингни асло кечирма, гуноҳ ва хатоларга ичкилик эмас, балки уни ичган инсон айбдор.

КАТОН.

Акбар АБДУРАҲИМОВ тўплаган.

ҚАСОС ОЛАДИ

БИЗ ичкиликнинг зарари ҳақида кўп эшитганмиз, лекин унинг теварак-атрофдаги ҳодисаларнинг 90 фоизини билишга ёрдам берадиган аъзо — кўзга қанчалик жароҳат етказиши тўғрисида кўпчилик аниқ тасаввурга эга бўлмаса керак. «Кўзига ҳамма нарса қўшалоқ бўлиб кўринаяпти» деган гапларни ҳам кўп эшитганмиз. Чиндан ҳам ичкилик кўзга салбий таъсир кўрсатиб, унинг кўриш қобилиятини сусайтиради. Натижада буюмлар қўшалоқ, гоҳо учта бўлиб кўрина бошлайди. Қизил ва яшил рангларни қабул қилиш қобилияти пасаяди. Буюмлар орасидаги ва ўша нарсагача бўлган масофани идрок этишда аниқлик бўлмайди. Шунинг учун автомобиль ҳалокати натижасида вафот этаётганлар сонининг 80 фоизи ичкилик туфайли содир бўлмоқда.

Бундан ташқари ишхона ва уйда юз берадиган фалокатлар натижасида кўз зарарланиши ҳоллари текширилганда ҳам кўпинча бунга ичкилик сабаб бўлганини кўрамиз.

Кўриш нервлари касалланиш ҳоллари 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган кишиларда кўпроқ учрайди. Аммо ичкилик ва тамаки чекиш натижасида кўз аста-секин касалликка чалиниб боради. Касалликдастлаб енгил шаклда кечади, лекин ушбу одатлар ҳаддан ташқари кўп давом эттирилса, кўз оғир касалликка чалинади. Буни тиббиётда сурункали ретробульбар неврити дейилади. Соддароқ қилиб айтганда асаб толалари зарарланади ва уни ҳеч қандай дори-дармон қайта тиклай олмайди! Кўриш қуввати 0,1 даражагача пасайиб кетиши ва ҳатто киши кўр бўлиб қолиши ҳам мумкин. Агар ичкиликдан батамом воз кечилса, энди бошланаётган кўз касалини тузатиш ва кўриш қобилиятини тўла тиклаш мумкин.

Баъзан «В» витаминининг етишмаслиги ҳам кўз касалини келтириб чиқаради. Бунга эса ичкиликхўр кишиларда кўп учрайдиган сурункали гастрит касаллиги сабаб бўлади. Ичкилик иштаҳани бўғади, киши қам овқат ейди ва бинобарин овқатдан аъзон танага борадиган витаминлар йўли тўсилади. «В» гуруҳидаги витаминлардан ичилгач, беморнинг аҳволи яхшиланади.

Баъзи бир арақхўрлар кайф қилиш учун заҳарли моддалар истеъмол қиладилар. Улар бу иш қандай зарарли оқибатларга олиб келишини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Гоҳо пак, одеколон истеъмол қилишади; булар таркибида кучли заҳар — метил спирти бўлиб, у биринчи навбатда кўзга таъсир қилади, кўриш аъзоларини зарарлайди. Бундай ҳолларда касални тузатишнинг сира иложи қолмайди. Леонардо да-Винчининг «Май майхўрдан қасос олади», — деган гапи тўғри экани яна бир марта исбот қилинади.

Фарида УСМОНОВА,
шифокор.

Ҳар куни муҳарририятимизга келган мактубларни кўздан кечира туриб турли хил кайфиятни бошдан кечирасан, киши. Баъзиларини ўқиб дилинг равшан тортса, баъзилари оғир ўйга толдиради. Ўйлайверасан, ўйлайверасан, йўлда ҳам, уйда ҳам фикрҳ хаёлинг мактуб эгасида бўлади. Гўё ўша кишининг тақдирига ҳукм чиқариш сенга топширилгандек. Мана, шундай мактубларидан бири:

«Ҳурматли муҳарририят! Яқинда рўзномада эълон қилинган «Оғоҳ бўлинг, эркаклар» мақоласини ўқиб дил ярам янгиланди. Чунки мен ҳам аёл кишининг мол-дунё дея қилган беҳаёликларидан куйган одамман. Ўғлимга ўзи хоҳлаган қизни тўй қилиб олиб бердим. Уч-тўрт йил яхши яшашди. Кейин эса келиним: «Ҳозироқ чиқиб кетинг, ойликка яшайдиган гадой менга керак эмас» деб эрини ўз уйидан ҳайдай бошлади. Чол-кампир «ҳали ёш, ақли кириб қолар» дея сабр қилдик. Оқибати эса яхши бўлмади. Бир куни келинимиз ҳеч кимга билдирмай уйдан чиқиб кетди. Икки кундан сўнг «машина ҳалокатига учрабди, касалхонада ётганмиш» деган хабарни эшитдик. У касалхонада бир ярим ой ётгач ўғлим икки фарзандини ўйлаб хотинини уйга олиб келди. Эридан қутулиш ниятидан қайтмаган келин танасидаги эндигина битаётган жароҳатларини рўкач қилиб «эрим урди» деган мазмунда милицияга ариза берди. Оқибатда ўғлимни уч-тўрт ой сарсон қилишди. Охири ўғлим «Мен урганим йўқ, хотиним бегона эркаклар билан Чорвоққа чўмилишга борганида машина ҳалокатига учраган, жароҳат излари ўша ҳодиса туфайли» деган мазмунда тилхат ёзиб зўрға жазодан қутулиб қолди. Келиним «қаматолмадим, энди ўлдираман» дея болта кўтарганида ўғлим синглимнинг уйига қочиб кетди. Охири бўлмагач, у хотини билан қонуний ажралишиб бошқа аёлга уйланди. Аввалги хотини эса «жой меники, ким қадам қўйса ўлдираман» деб бешта уйни эгаллаб олиб, у ерга ҳеч кимни киритмаяпти. Маҳалла раҳбарлари эса келинимнинг (собиқ) қариндош-уруғларидан кўрқиб бу можарони бартараф этмаётир. Илтимос ёрдам берингларр».

Аёллар ўқимасин!

СИЗГА НИМА БЎЛДИ, ЙИГИТЛАР!

Мактубда тилга олинган воқеанинг илдизи қанчалар чуқур эканлигини англаб олиш осон эмас. Келинг, ана шу маънавий тубанликнинг илдиз отиш сабабларини билишга уриниб кўрайлик.

Илгарилари йигитлар ўз қаллиқларини илк бор гўшангада кўришган, ҳатто тўйдан олдин қизнинг қайси маҳалладан эканлигини сўрашга истиҳола қилган эканлар. Шунга қарамай ўша пайтда ажралишлар деярли бўлмаган. Тўғри иқтисодий аҳвол ҳам бунга ўз таъсирини кўрсатган, аммо ажралиш камлигининг биргина сабаби тирикчилик десак ҳам нотўғри бўлса керак. Ҳозир бўлғуси куёв қизнинг етти пуштини, ишхонасидаги юриш-туришини орқаваротдан суриштиради. Қиз талаба бўлса, қандай ўқиши, ҳатто давомати билан ҳам қизиқади.

Аммо шунча тафтишдан сўнг қурилган оилаларда қўйдичиқди ҳодисалари кўпайса кўпаймоқдаки, камаймаётир.

Бундай кескин ўзгаришга нимани сабаб қилиб кўрсатиш мумкин? Нима учун кечагина аҳду-паймон қилиб юрган, бир-бирисиз яшай олмайдиган ёшлар тўйдан сўнг кўп ўтмай ажрашиш йўлини излаб қолишмоқда.

Бир томондан йигитларнинг тутган йўли ҳам ўринли. Ҳозирги замонда ўйлаб ўтирмай тўғри келганга уйланишни оқлаб бўлмайди. Турмушга чиқаётган қиз ўзи билмаган ҳолда минг чиғириқдан ўтади. Чунки ҳар бир йигит яхши қизга уйланишни истайди. Лекин уларнинг кўпчилиги «мен ўзим яхшиманми» деб ўйлаб кўришмайди. Оилада ҳурматэтиборда бўлишни исташадию, аммо бунинг учун инсон аввало ўзини ҳурмат қила билиши лозимлигини хаёлларига келтирмайдилар.

Мен бировга ақл ўргатмоқчи эмасман. Ким нима деса десину, аммо менимча хотин кишининг сўзи ҳал қилувчи сўз бўлган оилада келажакда эрини болта кўтариб қувадиган қизлар ва иродаси бўш йигитлар тарбияланишади. Бундай оилаларнинг боши жанжалдан чиқмайди, уларнинг касри нафақат ўзларига, балки ота-она, ука-сингил ва ҳатто қўни-қўшниларига ҳам уради. Ана шундай келишмовчиликларга сабаб эр-хотин ҳурматининг йўқолганлигидир. Ҳатто жанжаллашаётганларнинг қайси бири хотин ва қайси бири эр эканлигини билиб бўлмайди. Ана шундай ҳолларда мен аввало эр кишини айблагим келади. Нима учун? Мана бир воқеа:

Лолахон — бўлажак келинчак. Тўйдан бир ҳафта олдин онасининг насиҳатларини қулоғига кўрғошиндек қуйиб олмоқда: «Қизим, турмуш жуда мураккаб нарса. Умримнинг охиригача роҳат-фароғатда яшай десанг, эрингга, қайнотага, қайнонангга асло бўш келма. Аввал бошдан эрингни жиловлаб олсанг марра сеники».

Тўй ҳам ўтди. Аммо Лолахон қўйган тузоққа Мирсаид илинмади. Чунки у намунали оилада тарбияланган, турмушда эр йигитнинг ўз сўзи, ҳурмати, тўғриғоғи ўз ўрни бўлиши лозимлигини дилдан тушунган йигит эди. Келиннинг «ҳокимият талашиб» кўтарган ноўрин хархашасига эътибор бермади-кўйди. Режаси амалга ошмаганидан алами келган Лолахон сўнгги чорани қўллади: ойисиникига кетиб қолди. Эрининг минг тавба-тазаррулар билан қайтиб уйга олиб кетишини кута бошлади. Орадан бир ҳафта ўтди, икки ҳафта ўтди. Мирсаиддан дарак бўлмади. Келинни уйга олиб келиш учун Раҳима хола қанчалар уринмасин ўғлини кўндиролмади. Оилада эр-хотиннинг бир-биридан фарқ қилувчи ўз ўрни бўлиши зарурлигини жуда яхши англаган, йигит киши гапининг доимо бўлмаса-да кўп ҳолларда ҳал қилувчи мавқеи борлиги ота-боболаримиздан мерос эканлигини билган Мирсаид беайб бошини қайнонасининг остонасига урмади. Лолахон эса маҳалла-қўйнинг гап-сўзини кўтаролмадими, уйга қайтиб боришга мажбур бўлди. Йигитлик шаъни, ғурурини ҳаётнинг ажралмас бўлаги деб билган, ўз ҳурматини, аёли билан ўзи орасидаги масофани сақлай билган йигитга Лолахоннинг меҳри ошди.

Агар Мирсаид ўз қадр-қимматини унутиб, тавба-тазарру билан хотинини уйга олиб келганда асакаси кетармиди? Йўқ, албатта. Лолахон бундан кейин аразлаб кетиб қолмасди. Лекин бу оилага энди ҳеч ким ҳавас қилмай қўярди. Оила кемасининг дарғаси бўлган эр кишининг ўзига хос ҳурмати бўлмаган хонадонда тинч-тотув яшаб бўладими? Бундай муҳитда тарбияланган болалардан нимани кутиш мумкин? Оила қуришдан мақсад ёшларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббат ва ҳурмат туйғуларини тиклашми ёки аксинча, ана шу туйғуларнинг борлиги оила қуришга даъват этадими?

Юқоридаги мактубга қайтамиз. Балки кимдир мактуб муаллифининг келинини айбламоқчидир. Мен ҳам келиннинг оқламоқчи эмасман. Аммо ширин жонини дея ўз йигитлик ғурурини поймол этган, «хотиним бегона эркаклар билан чўмилишга борганида жароҳатланган, менда айб йўқ» дегувчи эрни қайси аёл ҳурмат қилиб унга итоатда бўлади? Ахир «Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деган нақл бор. Ҳар бир нарса ўз ўрнида гўзал кўрингани каби йигит киши мард, тўғрисўз, ўз шаънини ҳимоя қила оладиган, аёл эса мулойим, ақлли ва итоаткор бўлса улар орасидаги меҳр-муҳаббат, ҳурмат асло завол топмайди. Чунки бу иккиси мавжудот табиатан шундай фазилатларни тарғиб қилиш учун яратилишган. Агар ана шу мувозанат бузилса-чи? Унда табиат мувозанати бузилади. Ҳозирда ана шу мувозанатни кўпроқ йигитлар бузмоқдалар, назаримда. Баъзи йигитларнинг қўрқоқ, субутсиз, жисм бандаси бўлиб қолганлиги ҳаё пардасига путур етказиб, аёлларни ранжитмоқда, улардаги табиат мужассам этган итоаткорлик каби муқаддас туйғуни кемириб мол-дунёга ўч қилиб қўймоқда.

Ота-боболаримиз туфайли қонимизга сингиб кетган шарқона оила одоби йўқолиб бораётганини сезиб бенихтиёр юракни бир нидо ўртайди: «Сизга нима бўлди йигитлар!»

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

• Сўнгги пушаймон—ўзингга душман • Кўпчиликдан қуён қочиб қутилмас • Текинхўрга шафқат йўқ!



СУРАТДА: Акмал Икромов район ички ишлар бўлими участка вакили Убайдулла Низомов кўнгилли халқ дружинаси аъзолари И. Ражабов, М. Пармонқулов ва Р. Қўчқоровларга жамоат тартибини сақлаш бўйича маслаҳатлар бермоқда.

Ҳабибулла Шодиев суратлари.

Зийрак посбонлар

«БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...»

Жиноятчиликни ўзига касб қилиб олган Николай кўп эмас, оз эмас тўрт марта қора курсида ўтириб чиққан. У ёши бир жойга бориб қолган бўлсада, тавба қилиш ўрнига ваҳшийлик билан, босиб-янчиб яшашни канда қилмади. Содир этган жиноятининг изини яшириш учун дайди қиёфасида тентираб юрган эди. Лекин бўлмади. Милиция ходимлари шубҳа билан ушладилар-у узоқ текшир-текширдан кейин қидириб юрган жиноятчи у эканини аниқлаб, тергов изоляторига қамаб қўйдилар. Николай тақдирга тан беришга мажбур бўлди.

Кўп ўтмай залворли, оғир темир эшик шарақ-шуруқ қилиб очилди. — «Тағин тергов, бошни қотирадиган саволлар бошланди», Николай терговни чалғитишни ўйлаб турарди. Фуқаро кийимидаги киши уни терговчи хонасига эмас «экспертизага олиб бораман» деб ташқарига бошлаб чиқди. Ўша куни навбатчи бўлган И. Петриченко эҳтиёткорликни унутди. Балким у прокурор терговчига ишонгандир. Бой тажрибага эга бўлган терговчи қўлидан маҳбуснинг қочиб кетиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмагандир. Акс ҳолда соқчисиз маҳбусни унинг қўлига топширмас эди. Лекин маҳбус терговчидан ҳам эпчил ва чапдаст экан. Қулай пайт келганидан фойдаланиб терговчини дорда қолдириб жуфтакни ростлаб қолди. Тошкент шаҳар ИИБ бўйлаб зумда мудҳиш хабар тарқалди: «Терговдаги жиноятчи қочибди».

Маҳбуснинг сурати кўпайтирилиб бўлим, бўлинма ва навбатчи қисмларга тарқатилиб қидирув эълон қилинди. Албатта, жиноятчини тағин бошқаларга озор етказиб, жиноят қилиб улгурмасидан аввал қўлга олиш зарур... Лекин бу айтишга осон. Тошкентдек шаҳри азимда расмига қараб қидириб жиноятчини қўлга олишнинг ўзи бўладими?

Ҳа, бўлар экан, фақат бунинг учун одамда бир оз сезгирлик ва касбига чексиз садоқат, меҳр бўлиши керак экан...

Орадан уч кун ўтди.

Якшанба. Эрта тонг. Ҳали юлдузлар ўз манзилига қайтмасдан Тошкент отчопаридаги чайқов бозори тобора қизиб, одамлар гавжумлашиб бормоқда. Бозорга турна қатор бўлиб тизилишиб келаётган одамларнинг кети узилмайди. Бу ерга кимдир ўз «ҳомий»лари ёрдамида орқа эшикдан олган ноёб нарсасининг устига ўн баравар қўйиб сотиб фойда олиш илинжида келса, бошқа биров дўконларда топилмайдиган, анқонинг уруғига айланиб қолган нарсани зарур бўлгач қимматига бўлса-да олиш учун келади. Баъзилар эса ит эгасини танимайдиган гавжум оломон орасига кириб кимнидир қон қақшатиб чўнтагига қўл тиқиш учун қадам ранжида қилади. Милиция ходимлари эса эл осойишталигини сақлаш учун, эскитускилар сотилиши керак бўлган бу бозорда чайқовчилик қилинишига йўл қўймаслик учун келадилар.

Милиция капитани А. Начаркин бошчилигидаги А. Волоснов, В. Ланских ва В. Говорухинлардан иборат гуруҳ ҳам осмондан игна ташласанг ерга тушмайдиган гавжум одамлар орасига ораладилар.

— Имкони борича ҳар бир одамнинг юзига синчковлик билан боқишни унутманглар, ажаб эмас қочоқ ҳам шу ерда бўлса — деб тайинлади ходимларига Начаркин. Терговчини дорда қолдирган Николай менман деган милиция ходимини ҳам чув тушириб кетаман деб ўйлаган шекилли, уст-бошини алмаштириб, сочини бошқача тараб, бозорга келиб ўғирлик қилишда эшик очишга керак бўладиган асбобларни сотиб олаётганида юқоридаги гуруҳ аъзоларидан бири уни кўрди.

— Эҳтимол бошқадир, — деган ўй билан секин, яширинча чўнтагидаги расмга қаради.

Худди ўзи, Зийрак кўзлари алдамаган эди. Секин бошлиғи Начаркинга шипшиди. Бир қалтис ҳаракат билан йўқотиб қўйиш мумкин. Бунинг учун ими-жимида, имо-ишора билан бирбирига вазиятни тушунтиргач, жиноятчининг атрофини қуршаб олдилар. Қўлга тушишини хаёлига ҳам келтирмаган Николай асбоб танлаш билан овора эди. Омбурдек кучли қўл келиб билагидан тутганида бир қалқиб тушди. Билагини бўшатиб қочишга уринди. Аммо уддасидан чиқа олмади.

— Сенларнинг дастингдан бозорда тинчгина савдо қилиш ҳам мумкин эмас, ахир менинг нима гуноҳим бор? — деди жазавага тушиб, оғзидан кўпик сачратиб.

— Кечирасиз, сиз Николай Клемешов эмасмисиз?— деди Начаркин.

— Унақа кимсани танимайман, мени тинч қўйинглар...

— Қаранг суратдаги манави йигитга ўхшар экансиз.

— Бўлиши мумкин. Лекин ҳозир мени тинч қўйинглар, акс ҳолда юқорига арз қиламан...

Томошаталаб одамлар атрофни ўраб олдилар. Қўлга тушганини, қутулиш мумкин эмаслигини сезган Николай:

— Ҳа, мен ўшаман, ўғриман, билганларингни қилларинг, — деб бақириб, дами чиққан пуфакдек бўшашиб жим қолди.

Жиноячини қўлга олишда тадбиркорлик ва зийраклик билан иш кўрсатган милиция ходимларига Тошкент шаҳар ижроқўми ва ИИБ томонидан мукофот ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Шораҳим РАСУЛОВ,
Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг бошлиғи, милиция майори.
Шовқиддин САМИЕВ,
Тошкент шаҳар ИИБ матбуот гуруҳининг ходими.

Ҳукм ўқилди

ЖАЗАВА

«Ғазаб тез қайтариладиган, руҳий жиҳатдан ҳайвоний бир сабабчиси, ғам-қулфат ҳамроҳи, шафқатсиз, ғоят кучли, ҳиссиётдир, у қотиллик зиёндошлик ва номуссизликнинг ошнаси бўлиши мумкин, — деган эди донишмандлардан бири.

Бу сўзлардан 334-хўжаликлараро махсус механизациялашган кўчма колоннанинг ҳайдовчиси Искандар Орипов хабардор бўлиб, ғазабини жиловлаганда эди у томондан қотиллик келиб чиқмаган бўларди. Воқеа мана бундай бўлган эди. И. Орипов ўзига хизмат юзасидан бириктирилган ГАЗ—24 маркали 63—09 ТША рақамли автомашинани Собир Раҳимов районидаги Сағбон кўчаси орқали бошқариб кетаётганида бир нотаниш киши тўхтатиб, Жуковский кўчасида жойлашган 1-сонли тез ёрдам кўрсатиш станциясига элтиб қўйишини илтимос қилгач уни ўтказиб кетаётган эди. Қўрғонтепа кўчасига бурилиб бу кўчадаги 91-уй олдига яқинлашганда яна бир йўловчи тўхташ ишорасини қилгач тўхтайдида у Янгиобод даҳасига боришини айтгач, ҳайдовчи унинг кайфи борлигини сезиб, йўли бошқа томонга эканлигини айтади. Шундан сўнг у бироз юрган ҳам эдики, тўхтатган киши унинг орқасидан сўкиб қолади. Сўкиниш қулоғига чалинган замон И. Орипов машинани тезда орқасига қайтариб ундан тушади-да, ёнидаги пичоғини олиб йўловчининг чап кўкраги, қорнининг чап қисми ва сонига — жами уч ерига пичоқни тиқади. Қоп-қора қонга беланган Мироқилни ўткинчилар тез ёрдам чақириб, шаҳримиздаги 1-шифохонага зудлик билан етказдилар. Бироқ шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бутун билим ва тажрибаларини ишга солган бўлсаларда, Мироқил ҳаётдан кўз юмади. Унинг ўлимига сабабчи бўлган ҳайдовчи Искандар Орипов қанча қочиб юрмасин,айбини хас-пўшлашга уринмасин, охир-оқибатда қўлга олиниб Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район халқ суди биносидаги қора курсига ўтиришга мажбур бўлади. Суд ҳайъати унга нисбатан етти йилга озодликдан маҳрум қилиш, жазони кучайтирилган режим ўрнатилган ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўташи ҳақида ҳукм чиқарди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ

ХАРИД ҚИЛАМИЗ

⊙ Сахарин (шакар ўриндоши)ни ташкилотлар ҳамда хусусий шахслардан баҳосини келишган ҳолда сотиб оламиз. Телефон: 55-73-67.

⊙ 2-ТИПТ томонидан Д. Бегметова номига берилган йўқолган ПТ—1 № 099579 рақамли диплом

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

⊙ Тошкент Давлат чет тиллар педагогика олий билимгоҳи томонидан Сайдали Тиллаев номига берилган йўқолган ЖВ—1 № 173035 рақамли диплом

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

⊙ 1980 йили чиқарилган «ВАЗ—21011» автомашинасини 2 хонали пули тўлаб бўлинган давлат уйи ёки кооператив уйга

АЛМАШТИРАМАН

42-78-27 телефонига соат 19.00 дан сўнг қўнғироқ қилинг.

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

4 ОЙЛИК КЕЧКИ ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИ АБИТУРИЕНТЛАРНИ БАРЧА ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТЕХНИК ПРОФИЛДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ КУНДУЗГИ, КЕЧКИ БЎЛИМГА КИРИШ УЧУН ТАЙЁРЛАЙДИ.

Машғулотлар ҳафтада уч марта математика, физика, химия, она тили ва адабиётдан олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари дастури бўйича юқори малакали ўқитувчилар томонидан рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Пуллик тайёрлов курсларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхаси, ўқувчилар (ўқиш жойидан маълумотнома), иш жойидан маълумотнома, 2 та фото сурат (3x4 см).

Ҳужжатлар билимгоҳнинг янги корпусдаги 15-хонада соат 17.00 дан 19.30 гача (шанба, якшанбадан ташқари) қабул қилинади.

Манзилимиз: 700100, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси 5-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИОНЕР — ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ БАНКИ ҚОШИДА

1992 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ЧЕТ ЭЛ ПУЛЛАРИНИ АЛМАШТИРУВ ПУНКТИ ОЧИЛДИ

БАНК МУТАХАССИСЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА АСБОБЛАРИ ЁРДАМИДА ҲАР ҚАНДАЙ ЧЕТ ЭЛ ПУЛЛАРИНИНГ ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ АНИҚЛАШДА СИЗГА ЁРДАМ БЕРИШАДИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: ЎЗБЕКИСТОН КЎЧАСИ, 6-УЙ, «УЗДЕХСАНТИЖОРАТ БАНКИ».

ТЕЛЕФОН: 33-39-31.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Нафақаларини Жамғарма банки муассасаларига ўтказадиган нафақахўрлар купонларини олишлари учун бизга тезлик билан мурожаат этишлари лозим.

Уларга навбатсиз хизмат кўрсатилади.

ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

ИҚТИСОДИЙ қийинчиликлар—кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислиги, нарх-навонинг ошиб бораётганига кўникиб бораяпмиз. Аксарият шундай ҳолларда чайқовчиларнинг «қўлн-қўлига тегмай қолаяпти». Улар вақтинчалик қийинчиликлардан фойдаланиб, халқ ҳисобига катта бойлик орттириб олмоқчи бўлмоқдалар. Лекин охир-оқибатда ножўя қилмишларнинг мисли чиқиб, эл-юрт олдида шарманда бўлишларини ўйламаётирлар. Қуйида давлат мулкини талон-тарож қилиб, қўлга тушган айрим чайқовчилар қилмишлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Ҳали тергов тугамаганлиги учун улар номларини ўзгартириб бершга мажбурмиз.

НАФС ЎПКОНГА АЙЛАНГАНИДА...

ЧКАЛОВ номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёралар тайёрлаш билан бирга эҳтиёжталаб турли халқ истеъмоли буюмлари ҳам чиқарилади. Уларни тайёрлашга ихтисослашган цехлардан бирининг экспедитори Максим Гранаткин бир куни ўйланиб қолди. «Қачонгача эҳтиёжталаб молларни ташиб юраману, бундан менга бир чақалик ҳам фойда чиқмайди? Йўқ, яхши яшашнинг бирор бир бошқачароқ йўлини топмасам бўлмайди».

Эртасига цехнинг комплектловчиси Майяннинг олдига кирди.

— Майяхон, менда ажойиб ғоя бор.

Мўмайгина даромад ишлашнинг «қулай» усули Майяга ҳам мойдек ёқиб тушди. Шундай қилиб гапни бир жойга қўйиб тил бириктирган «иккч устомон» ўзларининг жинояткорона фаолиятларини бошлаб юборишдилар.

Қандай фаолият дерсиз?

Гап шундаки, ушбу цехда болалар аравачалари тайёрланади. Уни тайёрлашда эса қимматбаҳо хом ашё — винилискожа ишлатилади. Бу материал якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишилар ва ширкатлар учун сув билан ҳаводай зарурлигини кўрган «ишбилармонлар» ўз гуруҳларига қўшни цехда ҳайдовчи бўлиб ишловчи Калинович ҳам тортдилар. Шундай қилиб хавфли, лекин мўмай даромад келтирадиган фаолият қизиб кетди. Улар ўрамлардаги материалнинг узунлигини кўпайтириш ҳамда сарф-харажатларни рўйхатга олиш китобига ёлғон-яшиқ ёзувларни ёзиш ҳисобига камёб материалнинг анчагинасини ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар. Сўнг эса уни Калинов ёрдамида турли жойларга пуллай бошладилар. Агарда Ҳамза район ички ишлар бўлими қошидаги иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлимининг ходимлари ҳушёрлик қилишмаганда борми, уларнинг «ўпқон» тусини олаётган ишлари яна қанча вақт давом этарди, билмадик. Қисқа вақт ичида учта ҳамтовоқ томонидан жами 142,407 сўму 99 тийинлик 28 757 квадрат метрдан кўпроқ винилискожа гумдон қилинган. Ҳозирда жиноятчилардан бирлашма ҳисобига 70 минг сўм пул ундириб олинди. Тергов ишлари давом этмоқда.

ТЕКИН — ТОМОҚ ЙИРТАДИ

ЮНУСОБОД даҳасида истиқомат қиладиган 24 ёшли Вера ва 20 ёшли Олесялар янгийўллик Таисия билан танишиб қолишганидан жуда хурсанд бўлишди. Қувонмай бўладими ахир, Таисия улар учун бамисоли хазина эди.

Вера ва Олесялар Таисиядан хозир дўконлардан кундузи чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайдиган 10 дона япон жемперининг ҳар бирини 825 сўмдан олиб, донасини 950 сўмдан, 10 та Хитойда чиқарилган эркаклар кўйлагини 100 сўмдан олиб 150 сўмдан пуллаётганларида қўлга тушдилар. Ишламасдан тишламоқчи бўлган дугоналар бу кичик «операция» натижасида оз эмас, кўп эмас 1750 сўм пул ишлаб олмоқчи эдилар.

Бироқ ишнинг каттаси бошқа ёқда экан. Ички ишлар бўлими ходимлари бу ишнинг кетига тушганларида Таисия юқоридаги молларни Янгийўл шаҳридаги магазинлардан бирининг омборчиси Валерия Бароводан олганлиги аниқланди. Уларнинг иккисининг уйлари текширилганда эса қиймати 60 минг сўмликдан кўпроқ турли камёб ва тақчил буюмларни яшириб қўйганликлари аниқланди.

«СЕҲРГАРЛАР» ОРАМИЗДА

БИЗ ЯШАЁТГАН атом асрида сеҳргарлик ҳолларининг юз бериши ҳам ҳеч гап эмас экан. Масалан, баъзи кимсалар учун йўқ нарсадан бор қилиш ёки бор нарсани ўз-ўзидан кўпайтириш оппа-осон экан. Ишонмайсизми? Унда қулоқ тутинг.

Иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлиб талон системасига ўтилиши туфайли айрим нопок савдо ходимларининг куни туғаётгани сир эмас. Бектемир район савдо идорасига қарашли дўконлардан бирида карточкалар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари қай йўсинда тарқатилаётганини текшириш учун борган район иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлимининг ходимлари ҳангу манг бўлиб қолишди. Чунки улар гувоҳи бўлган жумбоқ математикларнинг ҳам бошини қотириб қўйиши аниқ. Гап шундаки, ушбу дўконда озиқ-овқат маҳсулотлари карточка орқали бериладиган бўлгандан буён жами 25000 килограмм ун олинган. Карточкалар бўйича эса гўё 27966 килограмм ун кишиларга тарқатилган. Энг қизиғи шундаки, яна 1383 килограмм ун ортиб ҳам қолган. Ҳеч қандай ҳисоб доираларига сиғмайдиган бу сирли ҳодиса натижасида қаердандир ортиқча 4349 килограмм ун «пайдо бўлган». Ҳозир дўкон мудирининг сеҳргарлик хусусиятлари аниқланмоқда.

ОРҚА ЭШИКДАН

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА янги замонавий «касалликнинг ҳуружи жуда ҳам кучайиб кетганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, айрим савдо ходимларининг чап қўллари билан орқа эшикдан тақчил молларни ўз таниш-билишларига узатиш ҳоллари танадаги зарарли ўсимтадай иқтисодиётимизни емирмоқда, кишиларнинг ғазабини қўзғатмоқда.

Қаранг, хурсандчиликни бошидан кечираётган ёки кутилмаган фожиага дуч келган хонадонлар қийналмасин учун ҳукуматимиз томонидан махсус дўконлар очиб қўйилганлиги қандай савоб ва хайрли иш. Бироқ бундай жойларда қўли эгри кимсалар ишламасин экан: чунки уларнинг халқ мулкини энидан ёки бўйидан уришлари аниқ.

Жумладан, Бектемир районида ҳам хонадонлардаги тўй ёки маъракa маросимлари учун молларни тарқатадиган кичкинагина магазин фаолият кўрсатарди. Ана шу дўкон текширилганида маълум бўлдики, моллар сотилганлигини қайд этиш китобчасида маҳсулот олганларнинг исми шарифлари аксар ҳолларда ёзилмайди. Баъзи кишилар эса битта маълумотнома бўйича икки мартадан харидни амалга оширганлар. ЗАГС идоралари томонидан берилмаган қалбаки маълумотномалар орқали эса 45 марта мол тарқатиш қоидалари қўпол равишда бузилган экан. Аммо буниси ҳам ҳолва. Умуман, дўкондан 329 килограмм гўшт, 371 шиша арақ, 450 килограмм ун, 200 килограмм гуруч ва бошқа маҳсулотлар қонунга хилоф равишда гумдон қилинганлиги аниқланди. Шуларни эшитиб ўйланиб қоласан киши: қачон бизларда ҳам инсофли ва диёнатли сотувчилар кўпаяди? Қачон чап қўли билан мол узатиш касаллигидан қутуламиз, ахир?

УЧАРЛАР

«ТЕЗ ЁРДАМ» машиналарини кўрган кишининг миясидан: «Ҳа, зум ўтмай кимнингдир дарди енгиллашади, йўлингиз оқ бўлсин, ҳалоскорлар», қабилидаги ўй-хаёллар кечади.

Қуйидаги воқеа ҳам шу тахлит кечган эди .Кунларнинг бирида тўқимачилик комбинатидан «Тез ёрдам» машинаси шаҳар томон чиқиш учун йўл олди. Буни кўрган ишчилар ҳам бепарво: «Ҳа, кимнингдир мазаси қочган бўлса керак ва уни иш жойидан тўппа-тўғри шифохонага олиб кетишаяпти», — деб ўйлардилар. Бироқ шу куни комбинат дарвозаси олдида шаҳар ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиноятларга қарши кураш бошқармаси ходимлари ҳушёрлик билан турган эдилар. Улар «Тез ёрдам» машинасини тўхтатиб, унда олиб кетилаётган хаста киши билан танишиш истагини билдирганларида кутилмаганда ҳайдовчи талмовсираб, ўзини йўқотиб қўйди. Маълум бўлишича, машинада тўсатдан юрак хасталиги ҳуруж қилиб қолган ишчи эмас, балки тўрт қоп тўла камёб мато олиб кетилаётган экан. Азаматлар қопларга 5 километр узунликдаги матони сиғдиришибди. Иш ғазак ола бошлагач, бир пайт комбинатнинг ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлимининг бошлиғи ҳаллослаб етиб келди.

— Тўғри, айбдорман, уч минг сўм ишлаб олай деб «Тез ёрдам»ни биз қўриқлашимиз керак бўлган ҳудуддан чиқариб юборибман, узр.

Иқтисодий жиноятчиларга қарши кураш бошқармаси ходимлари шуни аниқладиларки, бу ердан ҳеч йўқ, бе йўқ 60 километр узунликдаги сурп матоси йўқолган. Қизиғи шундаки, текширувгача комбинатнинг бирор-бир раҳбари бу ҳақда оғиз ҳам очмаган. Из корхона базасининг «камтаргина» мудирига олиб келди. Турли ҳисоб қоғозларини кўрсатиб, математик таҳлиллар ўтказганларидан сўнггина, у айрим тафсилотларни эслай бошлади.

Ажойиботни қарангки, сурп матоси 1990 йили Фарғона тўқимачилик комбинатидан чиққан, бироқ пойтахт корхонасига етиб келмай, йўлнинг ўзида саробга айланиб қолган. Ушбу материални келтириши лозим бўлган икки ҳайдовчи ҳам топилди. Сўнг Совет тинчлик жамғармаси Узбекистон бўлимининг «Дўстлик» ишлаб чиқариш корхонасининг директори билан танишишга ҳам тўғри келди. Жумбоқ ечилгандай эди, бироқ ўғирланган мато аллақачон тайёр кийимга айланиб «ишбилармон»и кишиларга катта фойда келтирибди.

Шу ўринда озгина ҳисоб-китоб қилиб кўришни лозим топдик. 60 километр узунликдаги сурп матосининг ўша вақтдаги улгуржи нархи 41,714 сўм эди. Агар чакана сотилганда эди у 128 минг сўмни ташкил этарди. Уни сотиб олган азаматлар эса бор-йўғи 20 минг сўм тўлашган ва улар олдида ажойиб имкониятлар пайдо бўлган: хоҳласанг сув текин матони кийим тикиш учун ишлат, хоҳласанг бошқаларга улгуржи ёки чакана нархларда пулла — барибир катта фойда оласан. Лекин, энг қизиғи шундаки, ўғирланган молни «Элегант» ширкати сотиб олган, фойда эса «Дўстлик» корхонасининг киссасига тушган. Чунки кўз очиб юмгунча «Элегант» бир думалаб «Дўстлик»ка айланиб қолган.

Дамир ИСЛОМОВ.

Қилмиш-қидирмиш

«ИШБИЛАРМОН»ЛАР ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/I да **Дунёнинг яратилиши**, 16/I да **Севилья сартароши**, 17/I да **Севги ҳақида афсона**, 19/I да **Чиполлино** (12.00), **Бал-Маскарад** (19.00, премьера).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/I да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома** (100-марта кўрсатилади), 16/I да **Алла** (премьера), 17/I да **Унсиз фарёд**, 18/I да **Жар** (15, 18.00), 19/I да **Алишер Навоий**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 15/I да **Юсуф ва Зулайҳо**, 16/I да **Куёвлар конкурси**, 17/I да **Фарҳод ва Ширин**, 18/I да **Катта концерт** (18.00). 19/I да **Муҳаббат навоси**.

15 ЯНВАРЬ

ФУРҚАТ — **«Қонундан ташқари»** (тоқ соатларда).

ЁШЛИК — **«Қонундан ташқари»** (жуфт соатларда).

ШАРҚ — **«Келгинди»** (18.30, 20.40).

ТОШСОВЕТ — **«Оқ алангa»** (тоқ соатларда).

16 ЯНВАРЬ

ФУРҚАТ — **«Қонундан ташқари»** (тоқ соатларда).

ЁШЛИК — **«Қонундан ташқари»** (жуфт соатларда).

ШАРҚ — **«Келгинди»** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.40).

ТОШСОВЕТ — **«Оқ алангa»** (тоқ соатларда).

Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район комитети қошидаги «Тафаккур» маърузавий-маслаҳат марказининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги «Бриз» кўп ихтисосли кооперативининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Узбеккурортстрой» қурилиш-монтаж трестига қарашли Тошкент хўжалик ҳисобидаги участкасининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«ЎРТА ОСИЁ» ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ТИЖОРАТ АССОЦИАЦИЯСИ

тижорат фаолияти бобидаги кўникмаларга эга бўлган ёш мутахассисларни ва компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлган котиба-машинистканн

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

41-34-49 телефонига қўнғироқ қилинсин.

«Узплодоовощтранс» Жумҳурият ишлаб чиқариш-тижорат бирлашмаси жамоаси бош директорнинг юкларни ташиш бўйича ўринбосари М. Х. Зоидовга онаси

Ҳамро **АЗИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000. ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

49.000 нусхада чоп этилади • Нашр кўрсаткичи 64690. • Буюртма № 13 • Босмага берилган вақти 11.30. • Босмага берилди 12.30: 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10